

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

## 11-12-сон (47-48) 2002 й. июнь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;  
иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;  
учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;  
тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

### МУНДАРИЖА

#### *Иккинчи бўлим*

85. «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сон Фармони
86. «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рафбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июндаги ПФ-3090-сон Фармони
87. «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 марта ПФ-3047-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 июндаги ПФ-3092-сон Фармони
88. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги ПФ-3093-сон Фармони
89. «Ўзбекистон Республикасида нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27 июндаги ПФ-3099-сон Фармони

#### *Учинчи бўлим*

90. «Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуфулланишни тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 июндаги 197-сон қарори

91. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарори
92. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиқقا тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 июндаги 208-сон қарори
93. «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарори [Кўчирма]
94. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июндаги 216-сон қарори
95. «Статистика ва молия ҳисоботини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 июндаги 227-сон қарори
96. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 235-сон қарори
97. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори  
«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарорига тузатиш

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**85**

### **Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиқقا тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган юридик ва жисмоний шахсларни солиқца тортиш тизимини янада содалаштириш ва тартибга солиш, бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун белгиланган даромадидан олинадиган ягона солиқ жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун белгиланган даромадидан олинадиган ягона солиқ фойдаланиладиган умумий майдон бирлигини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган солиқнинг базавий ставкасига асосланиб жорий этилади ва бунда савдо корхоналарининг қаерда жойлашганига, улар сотидиган истеъмол молларининг тури, номи ва ассортиментига қараб ўзгарувчан коэффициентлар қўлланилади.

2. Белгилансинки, 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб улгуржи ва чакана савдо корхоналари (кичик корхоналар ва микрофирмалар бундан мустасно), умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғи, мулк солиғи, шунингдек ягона солиқ ўрнига ялпи тушум (товар обороти ҳажми)дан ягона солиқ тўлайдилар.

Ялпи тушум (товар обороти ҳажми)дан ягона солиқ тўловчи улгуржи савдо корхоналари белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғини ҳам тўловчилар эканлиги белгилаб қўйилсин.

3. Улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари учун божхона тўловлари, давлат пошлиналари, савдо қилиш хукуки учун йифим, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш хукуқини берадиган лицензия йифимлари, шунингдек давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда амалдаги қонун хужжатлари ва норматив-хукуқий хужжатларга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин. Бунда солиқка тортиш тизимини ўзгартириш ва солиқлар ставкасини индекслаш билан боғлик ўзгаришлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим фаолият турларини амалга оширишдан оладиган даромадларига қатъий белгиланган солиқнинг жорий этилиши тадбиркорлик, шу жумладан кичик ва хусусий бизнес субъектларининг фаолияти учун нисбатан нокулай шарт-шароитни вужудга келтирувчи омиллар эмаслиги назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 20 июнь,  
ПФ-3076-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**86 «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти худудида хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ҳамда уларни жадал ривожлантириш учун қулай шартшароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб устав жамғармасининг микдори камида 75 минг АҚШ долларига тенг бўлган ҳамда белгиланган бошқа шартларга жавоб берадиган корхоналар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти худудида янги барпо этиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органларида давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар деб ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти худудида хорижий сармоя иштирокида янги барпо этилаётган ва устав жамғармаси микдори 75 минг АҚШ долларидан кам бўлган корхоналар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган шаҳар ва туманлар ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади.

2. Белгилансинки, 2002 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти худудида рўйхатга олиниб, ўз фаолиятини амалга ошираётган кичик ишлаб чиқариш корхоналари ва микрофирмалар солиқ солиқ тизимидан қатиғ назар амалдаги ставкаларга нисбатан 50 фоиз камайтирилган ставка бўйича солиқ тўлайдилар;

мазкур худудларда рўйхатга олиниб, ўз фаолиятини амалга ошираётган ўрта ишлаб чиқариш корхоналари амалдаги ставкаларга нисбатан 50 фоиз камайтирилган ставка бўйича даромад (фойда) солиги тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзлари берилиши туфайли республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бюджетлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларга тегишли ўзгартишлар киритсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

3. Мазкур Фармоннинг 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган имтиёзлар тегишли равишда белгиланган тартибда рўйхатга олинган, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти худудида жойлашган ва ўз фаолиятини амалга ошираётган ишлаб чиқариш микрофирмаларига, кичик ва ўрта корхоналарга, хорижий инвестициялар иштирокида янги ташкил этилган корхоналаргагина тааллуқлидир.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва норматив хуҷжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

6. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 11 июнь,  
ПФ-3090-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**87 «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига  
риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари  
тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил  
30 мартағи ПФ-3047-сон Фармонига ўзгартиришлар кири-  
тиш хақида**

Банк фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек Халқаро валюта жамғармаси билан эришилган аҳдлашувларга мувофик:

1. «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартағи ПФ-3047-сон Фармони 7-бандининг учинчи хат боши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 27 июнь,  
ПФ-3092-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **88 «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида»**

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси, давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, қимматбаҳо металлар ва тошлар билан операциялар амалга оширилиши, олтин-валюта захираларини бошқариш, хорижий капитални республика иқтисодиётига жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш, давлатнинг ташкил қарзи ўз вақтида қайтарилиши доимий мониторинги ва назоратини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради;

баҳо беришда мустақил ва холис бўйланган орган ҳисобланади.

2. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари деб ҳисоблансан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг топшириқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси, унинг асосий кўрсаткичлари ва энг муҳим моддаларининг бажарилиши, шунингдек давлат тузилмалари ва хўжалик юритувчи субъектларга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш;

мамлакатда ва унинг ташқарисида давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати мониторингини таъминлаш;

қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга ошириладиган операцияларни назорат қилиш;

мамлакатнинг олтин-валюта захираларини бошқариш ва тасарруф этишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат ташкил қарзининг шаклланиши ҳамда уни қайтариш, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ёки унинг кафолати остида олинадиган хорижий кредитлар ва қарзларни жалб этиш ҳамда улардан фойдаланишнинг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги устидан назоратни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 9 штат бирлигидан иборат бўйланган тузилмаси\*;

Ҳисоб палатаси тўғрисидаги Низом\* тасдиқлансан.

4. Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ҳузуридаги Ҳайъат\*\* тузилсан.

5. Белгилансинки, Ҳукумат ёки у вакил қилган органлар олтин-валюта захиралари билан операцияларни амалга ошириш бўйича томонлардан бири сифатида ҳаракат қиласидан барча қарорлар Ҳисоб палатаси билан келишилган ҳолда қабул қилиниши шарт.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, идоралар билан биргалиқда бир ой муддат ичida Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсан.

\* Тузилма ва Низом рус тилидаги матнда берилган.

\*\* Ҳайъат таркиби берилмайди.

7. Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти девони биносига жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси Ҳисоб палатасининг фаолияти учун зарур шароитларни яратсин, шунингдек ускуналар, компьютер техникаси, телефон алоқаси, шу жумладан хукумат телефон алоқаси билан таъминласин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А. Голишев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 27 июнь,  
ПФ-3093-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **89 Ўзбекистон Республикасида нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ягона тўлов воситаси сифатида миллий валютани мустаҳкамлаш ҳамда унинг харид қобилиятини ошириш, Ўзбекистон Республикаси худудида нақд хорижий валюта муомаласи тўғрисида амалдаги қонунчилик талабларини сўзсиз бажариш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудида юридик ҳамда жисмоний резидент ва норезидент шахслар томонидан барча турдаги товарлар, ишлар ва хизматлар ҳақини тўлашда нақд хорижий валюта билан ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга оширишлари тақиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги юридик ва жисмоний шахслар томонидан республика худудида нақд хорижий валюта муомаласи тўғрисидаги амалдаги қонунчилик сўзсиз бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, қонунбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий чоралар кўлланилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳаво қатнови тўғрисида хорижий давлатлар билан тузилган хукуматлараро битимларни мазкур Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқсинлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифларни киритсинлар.

4. «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартағи ПФ-1979-сон Фармонининг 4-банди; «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги ПФ-2286-сон Фармонининг З-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси бир хафта муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қиласин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

7. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 27 июнь,  
ПФ-3099-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **90 Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида**

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва мулкчиликнинг хусусий шаклига асосланган кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш, юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қонун хужжатларида белгиланган тартибда факат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турларининг илова қилинаётган рўйхати тасдиқлансин.

Белгилансинки, илова қилинаётган рўйхатга кирмаган ва амалдаги қонун хужжатлари билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятининг қолган барча турлари билан жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмасдан белгиланган тартибда шуғулланишлари мумкин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари раҳбарлари ҳокимият ва бошқарув маҳаллий органлари томонидан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатла-ри тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конунига қатъий риоя қилиниши ҳамда назорат қилувчи ва бошқа давлат органларининг тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмаслиги, хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши учун жавоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун хужжатларига мазкур карордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 4 июнь,  
197-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 4 июнданги 197-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар  
томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга  
oshiриладиган фаолиятнинг айрим турлари  
РҮЙХАТИ**

Т/р	Фаолият турининг номи
1.	Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни ёхуд бундай материаллар кўлланилган буюмларни сотиб олиш ва сотиш
2.	Муҳр ва штамплар тайёрлаш
3.	Меҳмонхоналар, отеллар ва қемпинглар ташкил этиш
4.	Юридик шахсларга капитал қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш
5.	Лойиҳа, лойиҳа-конструкторлик фаолияти ҳамда лойиҳалар ва сметаларни экспертизадан ўтказиш
6.	Нефть маҳсулотларининг барча турларини сотиш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**91 Компьютерлаштириши янада ривожлантириш ва  
ахборот-коммуникация технологияларини жорий  
етиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштириши янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонини бажариш юзасидан ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилиди**:

1. Қўйидагилар:

2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқарув аппаратининг ходимларнинг чекланган сони 55 нафар бўлган (ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш:

ишчи гурухларнинг таркибини белгиласин ва 20 кун муддатда 2003-2010 йилларда телекоммуникациялар ва маълумот узатиш миллий тармогини ривожлантириш,

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш, 2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиши жадвалини ва дастурлар таркибини тасдиқласин;

ишлаб чиқиладиган дастурларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг мазкур қарорда белгиланган мақсадли кўрсатичларига эришиш учун зарур чора-тадбирларни, уларнинг бажарилиши учун масъул ижрочиларни ва маблағ билан таъминлашнинг аниқ манбаларини назарда тутсин;

ишличи гуруҳларнинг таркибини белгиласин ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурида назарда тутилган қонун лойихалари ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

### 3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, манбаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда кўрсатиб ўтилган 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун асосан имтиёзли хорижий кредитлар ва грантларни жалб этсин;

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустахкамлаш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

2003 йилдан бошлаб ахборот-компьютер технологиялари соҳасида жаҳонда ва мамлакатимиздаги тенденциялар ва ютукларни ёритувчи, албатта Интернет-нусхаси бўлган маҳсус журнал чиқарилишини ташкил этсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги хузуридаги Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказига қўйидаги асосий вазифалар юклансин:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буюртмаси бўйича ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида дастурлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларнинг лойихаларини ишлаб чиқиши;

реал иқтисодиёт тармоқлари, бошқарув, бизнес, соғликни сақлаш, фан ва таълим соҳалари учун, шунингдек электрон тижорат дастурини амалга ошириш учун амалий ва мослаштирилган дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайtlар ва бошқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича тендерларида иштирок этиши;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари юзасидан бошқарув органлари, бюджет ташкилотлари ва хусусий бизнесга кенг миқёсдаги ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш;

хар чорақда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг жаҳонда ва мамлакатимиздаги тенденциялари, ушбу соҳадаги замонавий халқаро стандартлар тўғрисида ахборотлар ва шарҳлар тайёрлаш.

Белгилансинки, Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказининг жорий фаолиятини маблағ билан таъминлаш бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун олинган ўз маблағлари, Фан ва технологиялар марказининг, халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг грантлари, қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлар хисобига амалга оширилади.

5. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2002 йил охиригacha Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш

хамда жорий этиш марказининг кўмагида махаллий идоравий компьютер тармоқлари ни ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсинлар, уларнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида экспертизадан ва синовдан ўтказилишини ташкил этсинлар, шунингдек ички электрон хужжатлар айланишини босқичма-босқич жорий этиш, ахборот ресурсларини Интернет тармоғига жойлаштирган ҳолда уларни шакллантириш ва доимий равиша янгилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

2002 йилнинг охиригача тегишли давлат бошқарув органлари аппаратларининг масъул ходимларига замонавий компьютер ускуналарида, шу жумладан махаллий компьютер тармоқларидан, шунингдек Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда ишлашни босқичма-босқич ўргатиш тадбирларини амалга оширсинлар.

2002 йилнинг охиригача ўзларининг фаол ишлайдиган веб-саҳифаларини яратсинлар, уларни Интернет тармоғига жойлаштирунлар ва келгусида уларни мунтазам янгилаш борсинлар.

6. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, провайдерлик, хостинг, Интернет хизматлари кўрсатиш, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтларни шакллантиришга доир хизматлар кўрсатиш, компьютер техникасига сервис хизмати кўрсатиш, маҳаллий тармоқлар яратиш бўйича хусусий компаниялар ташкил этишга хар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:

ихтисослаштирилган олий ўқув юртларида, касб-хунар коллежларида ва академик лицейларда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, мультимедиа, компьютер техникасини ишлаб чиқиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар ва техник ходимлар, шунингдек компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланувчилар тайёрлашни кенгайтирунлар;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларининг барча ўқувчиларини ва талабаларни компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлашга кенг кўламда ўқитишини таъминласин;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ўрта ва олий таълимнинг таълим стандартларига мувофиқ равиша электрон ўқитиши базасини яратиш, таълим муассасаларининг ахборот инфратузилмасини шакллантириш, барча ўқув муассасаларида инглиз тилини чукур ўргатиш, шунингдек республика ахборот тармоғига лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидан фойдаланишнинг стандартлаштирилган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги истиқболли илмий-амалий тадқиқотлар ва инновация фаолиятига грантларнинг биринчи навбатда ажратилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Адлия вазирлиги ўқув юртлари ва илмий муассасаларга, қишлоқ жойлардаги Интернетдан фойдаланувчиларга имтиёзли тарифлар бўйича хизмат кўрсатувчи провайдерлар ва операторлар учун мақсадли имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 2002-2005 йилларда Миллий университет, Тошкент Давлат техника университети ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети хузурида ахборот ва компьютер технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган факультетларнинг моддий-

техника базасини мустаҳкамлаш, уларни методологиялар ва кадрлар билан таъминлаш учун молиявий ресурслар ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги:

«Ўзэлтехсаноат» ўюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизда компьютерлар ва улар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласини уч ой муддатда ишлаб чиқсанлар ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсанлар;

2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳаларни Республика инвестиция дастурига киритсанлар.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва Давлат алоқа инспекциясини жойлаштириш учун Тошкент шаҳар, А. Кодирий кўчаси, 2-йдаги бинолар комплексини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига сотиш тўғрисидаги таклифи қабул килинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсан.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Орипов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 6 июнь,  
200-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури**

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг кенг ривожланиши кейинги ўн йилликларда жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Жадал ривожланаётган ҳозирги дунёда АКТ иқтисодий тараққиётни олға ҳаракатлантирувчи асосий омил бўлиб, мамлакатга инвестицияларнинг жалб этилишига, янги иш ўринларининг яратилишига, ишлаб чиқаришда ва бошқарувда илфор технологияларни жорий этишга кўмаклашади, бозор иштирокчилари ўртасида ахборотлар алмаштиришда, битишувларни амалга оширишда харажатларни қисқартириш воситасига айланмоқда.

Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Ҳукумати мазкур йўналишга иқтисодий ривожланиш ва ахолининг турмуш даражасини оширишнинг стратегик устувор йўналиши сифатида қарамоқда.

## **1. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг ахволи**

Кейинги йилларда Ўзбекистонда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари фаолият кўрсатишнинг мухим иқтисодий, хукукий ва ташкилий асосларини белгилаб берувчи қонунчилик базаси яратилди.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури биринчи босқичининг амалга оширилиши натижасида рақамли магистрал тармоқ барпо этилди. Минтақалардаги рақамли каналлар сони 51 та туман марказигача етказилган ва маҳаллий телефон тармоқларида 32,6 фоиз рақамли линиялар ишламоқда.

Маълумотларни узатиш тармоқлари ривожланмокда. Уларнинг хизматидан 170 минг фойдаланувчи баҳраманд бўлмокда. 100 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъект Интэрнет хизмати кўрсатиш билан шуғулланмокда.

Шу билан бирга, 62 та олий ўқув ютидан фақат 40 таси ҳамда 531 та коллеж ва лицейлардан фақат 22 таси Интернетга уланган. Жамиятни компьютерлаштириш даражаси паст, бу эса ахборот тармоқларига кириб боришни кенгайтиришга тўсиқ бўлмокда.

Дастурий воситалар ва ахборот ресурслари бозори суст ривожланмокда.

Мазкур Дастур замонавий техник инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштиришга, компьютерлаштиришни, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар индустриясини ва экспортини ривожлантиришни рағбатлантириш, юқори малакали кадрлар потенциалини тайёрлаш, қонунчиликни такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини ошириш Даструрнинг мақсадли вазифаси ҳисобланади.

## **2. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг асосий ўналишлари**

### **2.1. Телекоммуникациялар инфратузилмасини ривожлантириш**

Дастурда телекоммуникациялар соҳасида оптик-толали ва радиорелели алоқа линияларини қуриш, радиобоғланиш воситаларидан ҳамда бошқа замонавий технологиялардан фойдаланишни бундан бўён ҳам давом эттириш назарда тутилган. Шу жумладан 2005 йилгача:

#### **Халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникациялар тармоқлари соҳасида:**

1019 км узунликдаги магистрал оптик-толали алоқа линиялари (ОТАЛ) ва 375 км узунликдаги рақамли радиореле линияларини қуриш;

Тошкент шаҳридаги ШАТСлар қувватини 18,0 мингга етказиш, Фарғона ва Қарши шаҳарларидаги ШАТСларни қуввати 5,7 минг коммутация тармоқлисига алмаштириш;

Фарғона водийси вилоятлари алоқа линияларини, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари телекоммуникация тармоқларини ягона ҳалқага бирлаштириш, Бухоро-Нукус ОТАЛларни захирага ҳозирлаш;

халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини қуришни тугаллаш назарда тутилади.

Натижада:

ракамли халқаро телефон каналларини 2,48 млн км каналга;

минтақавий алоқа каналлари сонини 50 мингга, уларни ракамлаштириш даражасини 72 фоизгача;

алмашувни автоматлаштириш даражасини 98 фоизгача етказиш мўлжалланмоқда.

2005 йил охиригача ОТАЛ асосан туман марказларигача етказилади, бу хизматлар, шу жумладан Интернет хизматлари сифатини ошириш учун шароит яратади.

**Маҳаллий телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш соҳасида:**

умумий қуввати 128,3 минг номердан иборат ракамли АТСларни ишга тушириш ва барча шаҳарлар, туман марказларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан тўлиқ қамраб олиш ва қишлоқ аҳоли пунктларини қамраб олиш даражасини 50,8 фоизгача етказиш (1, 2, 3-иловалар<sup>\*</sup>);

йиғилган қувватлардан фойдаланиш даражасини 92,2 фоизгача етказиш;

4250 номерли симсиз уланиш тизимларини фойдаланишга топшириш;

кўчма концентраторлар куриш, шунингдек замонавийлаштирилаётган АТСларнинг қувватларини кенгайтириш асосида Тошкент шаҳар телефон тармоқларини рақамли ускуналар негизида янада ривожлантириш ва замонавийлаштириш;

Тошкент шаҳридаги барча муҳим туманларда ва вилоят марказларидаги маҳаллий телекоммуникация тармоқларида SDH ускуналари негизидаги икки томонлама йўналтирилган «ўз-ўзидан тикланадиган» оптик-толали халқалар (148 км) ташкил этиш.

**Фойдаланувчиларнинг маълумот узатиш тармоқларига киришини таъминлаш соҳасида:**

телекоммуникация тармоқларига симсиз уланиш тизимларини жорий этиш;

кўшимча абонент линиялари куриш;

маълумотлар узатиш тармоғига 64 ёки 128 Кбит/с тезлик билан кириш имкониятини берувчи базавий рақамли тармоқ уланишини жорий этиш;

абонент участкаларида маълумотларнинг юқори тезлиқда узатилишини таъминловчи технологиялардан фойдаланиш;

кабелли телевидение тармоқларида Интернет тармоғига уланишни таъминловчи технологияларни жорий этиш.

Барпо этилаётган маълумот узатиш ва Интернет тармоқларида кўчма (уяли, транкінг) алоқа тармоқларидан, шу жумладан мавжуд технологиялар (WAP, GPRS ва бошқа) бўйича уланиш имкониятларидан фойдаланилади.

**2.2. Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш**

Маълумотлар узатиш тармоқларини замонавийлаштириш ва реконструкция қилиш ҳамда замонавий компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек Республика минтақаларида Интернет тармоғига уланишини кенгайтириш маълумотлар узатиш ва Интернет тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари хисобланади.

1999-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси маълумотлар узатиш миллий тармоғини замонавийлаштириш ва ривожлантиришнинг амалдаги дастурига мувофиқ 2003 йилга бориб 235 та марказий, минтақавий ва туман, шу жумладан Тошкент шаҳрида — 17 та, вилоят марказларида — 12 та, туман марказларида — 209 та тармоқ шоҳобчалари ўрнатилади. Тармоқнинг ўтказиш қуввати 3 Гбит/с ни ташкил этади ва халқаро каналларга 32 Мбит/с тезлик билан уланишни таъминлайди.

Маълумотлар узатиш миллий тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда янада ри-

---

\* Иловалар берилмайди.

вожлантириш ва замонавийлаштириш чора-тадбирлари «2003-2010 йилларда телекоммуникация тармоқларини ва маълумотлар узатиш миллий тармоқини ривожлантириш Дастури»да ишлаб чиқилади.

#### **Ушбу соҳада 2010 йилга бориб:**

камидаги 45 минг Интернетга жамоа тартибида уланиш шохобчаларини барпо этиш; халқаро ахборот тармоқларига уланиш тезлигининг камидаги 512 Мбит/с бўйичини таъминлаш (4-илова\*);

2010 йилгача аҳоли ўртасида Интернет тармоғидан фойдаланувчилар зичлиги кўрсаткичини ҳар 100 фуқаро хисобига 11,9 ва ҳар 100 оила хисобига 59,9 гача етказиши (5-илова\*);

2010 йилга бориб жами давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг камидаги 74 фоизини, хўжалик юритувчи субъектларнинг 60 фоизини Интернет тармоғига улаш (6-илова\*);

100 фоиз аҳоли пунктларини ахборот-коммуникация технологиялари хизматлари билан қамраб олиш (7-илова\*) мақсадли йўналиш хисобланади.

Аҳолининг Интернет тармоғидан кенг фойдаланишини таъминлаш учун алоқа бўлимлари, алоқа корхоналари, Интернет-қаҳвахоналар, Интернет-дўконлар, Интернет-клубларда жамоа тартибида фойдаланиш шохобчаларини ташкил этиш назарда тутилади.

#### **2.3. Компьютер техникаси билан таъминлаш ва компьютер тармоқларини ривожлантириш**

Экспертлар баҳосига кўра аҳолининг компьютерлар билан таъминланганлик даражаси ҳар 100 киши хисобига 0,3 тани, шу жумладан Тошкент шаҳри бўйича 2,5 тани ташкил этади, бу ниҳоятда паст кўрсаткич хисобланади. Компьютер техникаси билан таъминланганликнинг мавжуд аҳволи жамият эҳтиёжларини қондирмайди. Мактаблар, колледжлар, лицейлар ва олий ўқув юртларида компьютер техникаси мутлақо етишмайди.

Шу муносабат билан Дастурда:

республикага компьютер асбоб-ускуналари ва унинг учун бутловчи буюмлар келтириш, шу жумладан компьютер техникасини мамлакатимизда йиғишини ташкил этиш учун қулай божхона режимини яратиш;

олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-хунар колледжларини, шунингдек мактабларни компьютер асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга бюджет маблағлари ажратиш, хорижий грантлар ва имтиёзли кредитларни жалб этиш;

академик лицейлар, касб-хунар колледжлари ва мактабларда, шунингдек барча олий ўқув юртларида босқичма-босқич Интернет-синфлар ташкил этиш;

компьютер техникасини йиғиш, уларни бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича корхоналар ташкил этиш назарда тутилган. Ушбу мақсадда республика корхоналарида компьютерлар ишлаб чиқариш мўжалланмоқда;

компьютер техникасига хизмат кўрсатиш, уларни созлаш ва турли тармоқлардан фойдаланиш бўйича ихтисослашган корхоналар ташкил этиш мўжалланмоқда.

Дастурда 2010 йилгача:

компьютер техникаси билан таъминланганлик даражасини 100 ўқувчи (талаба) хисобига мактабларда — 5,0 тага, академик лицейларда — 13,4 тага, касб-хунар колледжларида — 7,1 тага ва олий ўқув юртларида 25,6 тага етказиши;

жами мактабларнинг 63 фоизини, академик лицейларнинг 92 фоизини, касб-хунар колледжларининг 85 фоизини ва олий ўқув юртларини 100 фоиз Интернетга уланишига эришиш назарда тутилган (8-илова\*).

\* Иловалар берилмайди.

#### **2.4. Дастурий маҳсулотлар индустриясини барпо этиш**

Дастур дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш индустриясини ривожлантиришнинг қуидаги асосий йўналишларини назарда тутади:

дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича ихтисослашган тадқиқот, илмий-техника марказларини шакллантириш;

мамлакатимизнинг дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари учун қулай солик ва божхона режимини яратиш, шунингдек уларнинг электрон хукумат, электрон тижоратни шакллантириш, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ахборотлаштириш бўйича умумдавлат дастурларидаги иштирокини кенгайтириш йўли билан қўллаб-қувватлаш;

мамлакатимиз компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган дастурий маҳсулотларни экспорт қилишга қўмаклашиш.

#### **2.5. Ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш**

Ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш — мамлакатнинг ягона ахборот маконини барпо этиш борасидаги муҳим муаммолардан биридир. Ахборот ресурслари таркибига мазмуни, тузилиши, шакллантириш ва ташкил этиш технологиясига кўра турлича бўлган ахборот массивлари ва ҳужжатлар: кутибхона, архив ва бошқа ҳужжатлар фондлари, маълумотлар базалари, регистрлар, кадастрлар, электрон нашрлар ва кутибхоналар, бошқа ахборот маҳсулотлари киради.

Дастур:

кутибхона ва архив фондлари, давлат статистика ва илмий-техник маълумотлар ахборот тизимлари, таълим, ҳуқуқий ахборот соҳасига доир маълумотлар, барча дарражалардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва бошқаларнинг ахборотларини шакллантириш ва муҳофаза қилишин;

нодавлат ахборот ресурсларини, шу жумладан бизнес соҳасида ҳам, шакллантириши назарда тутади.

Ахборот ресурслари халқаро бозорининг асосий ҳажми олти тилда (инглиз, рус, француз, испан, хитой, араб, бундан дастлабки учтаси энг кенг тарқалган) шакллантирилишини эътиборга олиб, ўқув юртларида аҳолининг оммавий компьютер саводхонлигига эришиш талаблари билан узвий боғлиқ ҳолда мазкур тилларни чуқур ўрганиш бўйича маҳсус дастур ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқариш зарурати юзага келмоқда.

Интернетда ўзбек тилидаги миллий ахборот ресурсларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Дастурни амалга ошириш жараёнода:

давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот ресурсларига бўлган эҳтиёжи қондирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ҳуқуқий, статистика, банк ахборотига оид, ўз акцияларини очик бозорда ва бошқа йўл билан савдога қўювчи очик акциядорлик жамиятларининг молиявий-иқтисодий ахволига оид миллий маълумот базаларини барпо этиш ҳамда уларга ҳар қандай тоифадаги фойдаланувчиларнинг турли босқичларда киришини таъминлаш;

идоравий ва идораларро маълумот базаларини, шунингдек идоравий ва идораларро электрон ҳужжатнинг айланиш тизимини яратиш мўлжаллланмоқда.

#### **2.6. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш**

Кундалик ҳаётимизга компьютер ва ахборот технологияларининг жадал кириб келайтганлигини хисобга олиб, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш муаммосини хал этишга эҳтиёж ортади.

**Кадрлар захирасини яратиш учун дастур:**

ихтисослашган ўқув юртлари — Тошкент ахборот технологиялари университети;

ихтисослашган касб-хунар коллажлари ва академик лицейлар; университетларда ва техника олий ўқув юртларида ихтисослашган факультетлар; кадрларни қайта тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш тармоқлари ташкил этилишини назарда тутади (9-илова\*).

**2002-2010 йилларда камидат:**

8500 информатика ўқитувчиси;

АКТ соҳаси бўйича 8950 юкори малакали мутахассислар (дастурчилар, маълумот базалари, мультимедиа бўйича мутахассислар ва х.к.);

АКТ соҳаси бўйича 10725 кичик мутахассислар тайёрлаш **кадрлар тайёрлаш соҳасидаги максадли ўналишлар** хисобланади (10-илова\*).

Бундан ташқари 8600 юкори малакали мутахассисларни, 6500 кичик малакали мутахассисларни ва 4800 ўқитувчиларни қайта тайёрловдан ўтказиш мўлжалланмоқда.

Марказий Осиёдаги ягона Тошкент ахборот технологиялари университетида барпо этилган ноёб ўқув базасини эътиборга олиб, бакалавриат, магистратура ва докторантура ўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган таълим дастурларини амалга ошириш ва куйидаги янги ихтисослар: дастурий таъминот, мультимедиа, тармоқларга хизмат кўрсатиш, маълумот базалари, электрон тижорат, кўчма радиотелефон алоқаси тизимлари, ахборот хавфсизлиги бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш назарда тутилмоқда.

## **2.7. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш**

Дастур ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида рақобат муҳитининг шакллантирилишини назарда тутади. Шу максадларда:

АКТ соҳасида фаолият кўрсатувчи барча хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиб берилади;

дастурий воситалар, маълумот базаларини ишлаб чиқиш, мультимедиа, сервис хизматлари кўрсатиши, компьютер, телекоммуникация техникасини ва тармоқлар ускуналар етказиб беришни ташкил этишга оид давлат буюртмалари ва хусусий буюртмаларни мамлакатимиз компаниялари ўртасида жойлаштиришнинг тендер (тандовли) усуллари ривожлантирилади;

хавфсизлик замонавий тизимларининг яратилишига кўра халқаро ахборот тармоқларига кириб бориш тизими такомиллашиб боради. Шу асосда операторлар ва провайдерлар хизматларининг рақобат бозори ривожланади, кўрсатиладиган хизматлар тарифлари пасаяди;

маълумот узатиш ахборот тармоқларидан фойдаланиш, Интернетга жамоат тартибида уланиш шохобчаларини ташкил этиш соҳасида лицензиялаш тизими соддалаштирилади.

Маълумот узатиш соҳасидаги тариф сиёсати куйидаги тамойилларга асосланади: маълумот узатувчи операторлар, провайдерлар ва телекоммуникациялар бозоридаги етакчи оператор ўртасидаги тармоқлараро боғланишга оид тарифларни тартибида солиш;

фойдаланувчиларга шартномавий асосда кўрсатиладиган маълумот узатиш ва Интернетга уланиш хизматларига операторлар ва провайдерлар томонидан тарифлар белгилаш;

\* Иловалар берилмайди.

маълумот узатувчи операторлар ва провайдерларни қишлоқдаги Интернетдан фойдаланувчиларга, бюджет таъминотидаги давлат бошқарув органлари ва ўкув юртларига кўрсатиладиган хизматларга имтиёзли тарифлар белгилашга рағбатлантирувчи шарт-шароитларни вужудга келтириш.

### **2.8. Норматив-хукуқий базани, стандартлаш ва сертификатлашни тақомиллаштириш**

Интернет тармоғидаги фаолият субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни хукуқий жиҳатдан таъминлаш учун электрон хужжат айланиши, рақамли электрон имзо ва электрон тижорат тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш зарур. Янгиша шароитларда ахборот ресурслари, технологиялар ва тизимларни яратиш ва улардан фойдаланиш масалалари борасидаги хукуқий муносабатларни тартибга солиш зарурати «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ахборотлаштириш концепциясига тегишли ўзгартеришлар киритилишини талаб этади.

Ахборот ресурсларини тартибга солиш соҳасидаги норматив-хукуқий базани тақомиллаштириш қўйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилиши зарур:

фуқароларнинг ахборот олиш хукукини таъминлаш;

ахборот ресурслари ишлаб чиқарувчиларни ривожлантиришни рағбатлантириш;

хусусий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш вақтида фуқароларнинг хукуқларини химоя қилиш;

АКТ соҳасида лицензиялаш ва сертификатлаш тартиботларининг очиқ бўлишини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга асоссиз тўқсинглик қилиш ҳолларига барҳам бериш;

ахборот ва телекоммуникация хизматлари, маҳсулотлар ва технологиялар бозорида тенг рақобат шароитини яратиш ва монополияни бартараф этиш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

АКТ соҳасида интеллектуал мулкни химоя қилиш;

компьютер жиноятларига қарши курашиш.

Дастурий-техника воситаларини **стандартлаш ва сертификатлаш** ахборот тизимлари ва тармоқларининг ўзаро мос келишини, уларнинг жаҳон ва республика мақонларида ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қаратилади ва:

халқаро ва давлатлараро стандартлар талабларига ўйғунлашган тармоқ ва давлат стандартларининг ишлаб чиқилишини;

функционал параметрларни, шунингдек ахборот технологиялари воситаларининг техник ва ахборот жиҳатидан ўзаро мос келишини текшириш характеристикалари ва методларини тартибга солувчи норматив-хукуқий базанинг яратилишини;

ахборот технологиялари техник воситаларини сертификатлашнинг метрология жиҳатидан таъминланишини ривожлантиришни;

ресурсларнинг такрорланиши ва тарқалиб кетишини бартараф этиш учун маълумот узатиш тармоқлари ва воситаларидан умумий манфаатларни кўзлаб биргаликда фойдаланишини;

ахборот хавфсизлиги таъминланишини назарда тутади.

### **3. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш**

Кўйидагилар ахборот хавфсизлигининг асосий мақсадлари хисобланади:

ахборотни сақлаш, ишлаш ва узатиш вақтида унинг яхлитлигини сақлаш, фойдаланувчилар уни ўз ваколатлари доирасида олишларини таъминлаш;

ахборотни рухсатсиз йўқотиш, ўзгартериш, бузиш, кўчириб олиш, тўсиб қўйиш

ва ахборот ресурсларига ноқонуний аралашувга доир бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

қонунчиликка мувофиқ равишда ҳужжатлаштирилган ва электрон тусдаги давлат сирини, ахборотнинг маҳфилигини сақлаш;

фуқароларнинг ахборот тизимларига киритилган шахсий сир ва хусусий маълумотларнинг маҳфий сақланиши борасидаги конституциявий ҳукуқларини химоя қилиш; ахборот ресурсларидан ноконуний фойдаланиш холларининг олдини олиш.

Муайян маълумот узатиш тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифасини ҳар бир оператор амалдаги норматив ҳужжатларга таяниб, тавсия этилган чоралар ва воситалардан фойдаланиб ўзи ҳал қилиши зарур.

Маълумот узатиш ва Интернет соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифасини ҳал этиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган:

маълумот узатиш тармоқлари учун химоя шохобчасини барпо этиш;

Ўзбекистон Республикасининг ахборот ва компьютер технологиялари соҳасидағи ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини ташкил қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи хизматларни шакллантириш;

маълумот узатиш тармоқларига химоя воситаларини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларига жавоб бериши нуктаи назаридан экспертизадан ўтказиш учун доимий ишлайдиган (идоралараро) эксперт гурухини тузиш ва ахборотни химоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатимизда ахборотни криптографик химоялаш воситаларини ишлаб чиқиш;

ахборотни химоя қилиш тизимлари ва воситаларини маълумот узатиш ва Интернетга уланиш тармоқларида жорий этиш;

тармоқларнинг барқарорлигини ва хавфсизлигини таъминлаш;

калитларнинг сақланиши, генерацияси, тақсимоти ва мустаҳкамлиги белгиланишини, шунингдек сертификатлар ва рақамли электрон имзоларнинг берилиши ва тасдиқланишини таъминловчи ишонч ва сертификатлар бериш марказини барпо этиш;

хорижий органлар билан компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилувчи тузилма ташкил этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситаларини сертификатлаш тизимини барпо этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини жорий этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳукуқий базани яратиш.

#### **4. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни маблағ билан таъминлаш**

Дастурнинг асосий бўлимларини маблағ билан таъминлашни хорижий банкларнинг, операторлар, провайдерларнинг кредитларини жалб этиш, шунингдек ташки ва ички инвесторларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириш назарда тутилмоқда. Бунда олий ўқув юртлари, колледжлар, лицейлар ва умумтаълим мактабларини компьютерлар билан жиҳозлашнинг (ҳар йили камида бир мингта компьютер синфларини барпо этиш эҳтиёжининг қондирилишини эътиборга олиб): 30 фоизини — бегараз грантларни босқичма-босқич жалб этиш ҳисобига ва 70 фоизгачасини — мазкур мақсадлар учун назарда тутилган ҳар йилги давлат бюджети ажратмалари ҳисобига амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ахборот-телекоммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига маълумотларни узатиш тармоқларини ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги устувор лойиҳаларни ва илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш вазифаларини юклаш назарда тутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 6 июндангага 200-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация  
технологияларини ривожлантириш бўйича  
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг (кейинги ўринларда Мувофиқлаштирувчи Кенгаш деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Ўзбекистон Республикасида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги юкори мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

3. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва мазкур Низом асосида амалга оширади.

**II. Асосий вазифалари**

4. Қўйидагилар Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:  
компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг замонавий жаҳон тенденцияларига ва мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегиясига мувофиқ келувчи устувор ўйналишларини белгилаш;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва иктисодий рафбатлантириш омиллари яратиш бўйича Хукуматга таклифлар киритиши;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар, лойиҳалар ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиши;

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириши дастурларини бажаришда, миллий ахборот инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришда давлат бошқарув органлари, хусусий сектор ҳамда жамоат ташкилотларининг келишилган сиёсат юритишлари ва биргаликда иштирок этишларини таъминлаш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ракобат муҳитини шакллантиришга кўмаклашиш, инновация бизнесини, шу жумладан мамлакатимизнинг ўзининг

дастурий воситалари ва компьютер техникасини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришиңи қўллаб-қувватлаш, иктисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқлари компьютерлаштирилиши учун шарт-шароитлар яратиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантиришга хорижий инвестициялар, ҳомийлик маблағлари ва грантларни жалб этишга, таълим муассасаларининг ахборот тармоқларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш ишларини, шу жумладан мутахассисларнинг чет элда ўқишини мувофиқлаштириш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлиги тизимларини янада ривожлантиришни ташкил этиш.

### **III. Асосий функциялари**

5. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва уларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини белгилаш юзасидан таклифлар киритади;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини ташкил этади;

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар, қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этади ҳамда уларни экспертизадан ўтказади;

давлат бошқарув органлари, хусусий сектор ҳамда жамоат ташкилотларининг компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурларини бажариш, миллий ахборот инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш борасида келишилган сиёsat юритишларини ва биргалиқда иштирок этишларини мувофиқлаштиради;

Кенгаш мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини кўриб чиқади;

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалаларига оид Ҳукумат қарорларининг, Кенгаш қарорларининг давлат бошқарув органлари, субъектлар томонидан бажарилишини назорат қилади;

давлат бошқарув органлари раҳбарларининг вазирликлар ва идораларнинг компьютерлаштириш, ахборотлаштириш, коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, шунингдек Интернет тармоғида ахборот ресурсларини жойлаштириш ва уларни ўз вактида янгилаб бориш, таълим муассасаларининг ахборот тизимлари ва тармоқларидан фойдаланиш борасидаги имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича фаолияти тўғрисидаги хисоботларини эшитиб боради;

компьютерлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш учун тегишли вазирликлар ва идоралар, хорижий молия институтлари орқали инвестициялар ва грантлар, шунингдек ҳомийлик маблағлари жалб этилишини ташкил этади;

тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан ахборот, телекоммуникация ва

компьютер тармоқлари ва тизимларида зарур хавфсизлик тизимларининг яратилишини ташкил этади;

ишчи гурухларнинг шахсий таркибини белгилайди;

ахборот-коммуникация технологияларини, ахборот хавфсизлиги тизимларини ривожлантириш ва жорий этишнинг жаҳон ва мамлакатимиз миқёсидаги илфор тенденциялари тӯғрисидаги ахборотларини эшитиб боради.

#### **IV. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ваколатлари**

6. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш:

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурларини, миллий ахборот инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш учун давлат бошқаруви органларини, хўжалик юритувчи субъектлар ва жамоат ташкилотларини жалб этиш;

ўз ваколатлари доирасида барча вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалири, корхоналар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар кабул килиш;

вазирликлар, идоралар ва идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар илмий ташкилотлардан таҳхилий материалларни ва ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни сўраб олиш;

фан-техника тараққиёти тенденцияларини хисобга олган ҳолда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги долзарб вазифаларни ҳал этиш учун ишчи гурухлар тузиш.

#### **V. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг таркиби ва тузилмаси**

7. Мувофиқлаштирувчи Кенгашга Кенгаш Раиси бошчилик қиласи.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркибига бошқарув ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида раҳбарлар ва етакчи мутахассислардан бўлган раис ўринbosарлари ва кенгаш аъзолари киради. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланади.

Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг таркибига уларнинг ўрнига янгидан тайинланган шахслар киритилади.

8. Ўзбекистон алока ва ахборотлаштириш агентлиги Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи хисобланади.

#### **VI. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишини ташкил этиш**

9. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг раиси Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг фаолиятига раҳбарлик қиласи ва унга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради.

Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг раиси ўз ўрнида бўлмаган ҳолларда унинг функцияларини раис ўринbosарларидан бири бажаради.

10. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг фаолияти тенг хуқуқлилик ва қарор қабул қилиш вақтида коллегиаллик принципларига асосланади.

11. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг мажлиси Мувофиқлаштирувчи Кенгаш аъзоларининг оддий кўпчилиги иштирок этаётган бўлса ваколатли хисобланади.

Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг мажлиси қарорлари Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг Раиси томонидан тасдиқланадиган протоколлар билан расмийлаштирилади.

12. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг мажлислари унинг ваколати доирасига киритилган масалаларнинг тайёрланишига қараб, бироқ камида ҳар чоракда бир марта ўтказилади.

13. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг мажлисларини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг раиси ва унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

14. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қарорлари мажлисда иштирок этаётган Мувофиқлаштирувчи Кенгаш аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қабул қилинган қароридан норози бўлган аъзоси ўз фикрини ёзма шаклда ифодалаш хукуқига эга, ушбу хужжат мажлис протоколига тиркаб қўйилади.

15. Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қарорлари ижро этиш учун манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмаларига, корхоналар ва ташкилотларга юборилади.

16. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш фаолиятини техник таъминлашни Вазирлар Махкамасининг алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари бўйича комплекси ходимларидан иборат бўлган котибият амалга оширади.

17. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Интернетда ўзининг веб-саҳифасига эга бўлиб, унда Кенгаш фаолиятига доир маълумотлар жойлаштирилади ва барча манфаатдор томонларнинг ўзаро фикр алмашуви учун имконият яратилади.

18. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш аъзолари ўз иш фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

19. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ўз номи кўрсатилган бланкка эга бўлади.

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 6 июнданги 200-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бошқарув аппарати тузилмаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**92 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиқقا тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиқقا тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қила-ди:**

1. 2002 йил 1 июлдан бошлаб:

чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгилangan даромадидан олинадиган ягона солиқнинг базавий ставкаси ҳамда савдо корхоналарининг қаерда жойлашганлигига ва сотиладиган товарларнинг турларига қараб ўзгарувчан коэффициентлар 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

улгуржи ва чакана савдо корхоналари (чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари), умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушумдан (товар айланishi ҳажмидан) ягона солиқ ставкаси 3-иловага мувофиқ;

савдо ва умумий овқатланиш соҳасида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун тадбиркорнинг базавий даромади даражасидан ва фойдаланиладиган майдон ҳажмидан келиб чиқиб хисобланадиган қатъий белгилangan солиқнинг базавий ставкалари 4-иловага мувофиқ белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокиммилари савдо корхоналарининг қаерда жойлашганлигига қараб тасдиқланган базавий ставкалар ва ўзгарувчан коэффициентлардан келиб чиқиб:

чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгилangan даромадидан олинадиган ягона солиқ ставкаларининг;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун қатъий белгилangan солиқ ставкаларининг аниқ миқдорларини белгилайдilar.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокиммилари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларнинг ўушган савдосини таъминлаш учун халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга фирма дўконлари тармоини ташкил этиш ва кенгайтиришда қўмаклашсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда:

Чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан тўла-надиган белгилangan даромадидан олинадиган ягона солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни;

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи тушум ҳажмлари (товар айланishi ҳажми) сунъий равишида пасайтирилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини назарда тутган ҳолда Улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўланадиган ялпи тушумдан (товар айланмаси ҳажмидан) ягона солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

савдо ва умумий овқатланиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи солиқ тўловчиларнинг солиқ солишнинг белгиланган тартибига риоя этиши ва тўлиқ қамраб олиниши устидан қатъий назоратни таъминласин;

савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқ тўловларининг бюджетга тўлиқ ва ўз вактида тушиши устидан мониторинг ўрнатсин, бунда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ялпи тушум ҳажмининг бюджетга тўловлар тўлиқ тушишига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан мунтазам равишида танлаб текширишлар ўтказилишини назарда тутсин. Аникланган тафовутларга ялпи тушумни яшириш сифатида қаралсин ва амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилсин;

савдо фаолиятини юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг фаолият кўрсатишига ўйл қўймасликка алоҳида эътиборни қаратсин;

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мониторинг натижалари асосида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиқ солишга доир белгиланган базавий ставкалар ва ўзгарувчан коэффициентлар миқдорларини ўзгартириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Р.С. Азимов ва М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 13 июнь,  
208-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 14 июндаги 208-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Чакана савдо соҳасидаги микро фирмалар ва кичик  
корхоналарнинг белгиланган даромадидан олинадиган ягона  
солиқни ҳисоблаш учун базавий ставкалар ва ўзгарувчан  
коэффициентлар**

Фаолият тури	Солиқ солинадиган база	Бир ойдаги солиқнинг базавий ставкаси (энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан карра миқдорда)	Ягона солиқнинг базавий ставкасига ўзгарувчан коэффициентлар		
			Toшкент ш.	вилоятлардаги шаҳарлар	туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлар
10 кишигача ишчиси бўлган турғун савдо шоҳобчалари орқали амалга оширилади- ган чакана савдо	Умумий фойдаланила- диган майдон	ҳар кв.метр учун 0,5	0,7—2,0	0,5—1,5	0,3—1,0

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 14 июндаги 208-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Белгиланган даромадига белгиланган ягона солиқ ставкасига  
сотилаётган товарлар турига қараб ўзгарувчан  
коэффициентлар**

T/p	Товарларнинг номи	Коэффициент*
1.	Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли маҳсулотлар	1,5
2.	Автомобиллар, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ва аксессуарлар	2,0
3.	Чарм ва мўйнадан тайёрланган буюмлар, кийим-бош ва пойафзал	1,2
4.	Курилиш, пардозлаш материаллари ва қурилиш асбоб-ускуналари ва жихозлари	1,2
5.	Маший техника, ташкилий техника, ёритиш приборлари, алоқа воситалари, кино ва фототехника, шунингдек улар учун тегишли анжомлар	1,5
6.	Мебеллар, гиламлар ва гилам буюмлари	1,5
7.	Заргарлик буюмлари, құмматбаҳо металлардан тайёрланган буюмлар	1,5
8.	Чинни ва биллур идишлар	1,2
9.	Бошқа товарлар, шу жумладан озиқ-овқат товарлари	1,0

\* ) АРАЛАШ ТУРДАГИ ТОВАРЛАРНИ СОТИШДА СОТИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАНДАН БАЗАВИЙ КОЭФФИЦИЕНТНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ МИҚДОРИ ҚҰЛЛАНАДИ.

*Изоҳ:*

Кичик корхона ёки микро фирманинг бир нечта савдо шохобчалари мавжуд бўлган тақдирда белгиланган даромадига ягона солиқ суммасини хисоблаш тегишли базавиј ва ўзгарувчан коэффициентларни қўллаган ҳолда ҳар бир савдо шохобчаси бўйича алоҳида амалга оширилади.

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 14 июндаги 208-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи  
тушум(товар айланмаси ҳажми)дан олинадиган ягона солиқ  
ставкалари**

Тўловчиilar	Корхоналар бўйича солиқ ставкалари (ялпи тушум ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида):	
	шаҳар ва қишлоқ жойларда	узоқ ва тоғли туманларда
Улгуржи, чакана савдо корхонаси	5	3
Умумий овқатланиш корхонаси	10	7

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 14 июндаги 208-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик  
фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган  
солиқнинг базавий ставкалари**

Т/р	Фаолият тури*	Солиқ солинадиган база	Қатъий белгиланган ойлик солиқнинг базавий ставкаси (энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан карра миқдорида)	Қатъий белгиланган базавий ставкага ўзгарувчан коэффициентлар		
				Тошкент ш.	вилоят шахарлари	туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлар
<b>I. Савдо фаолияти</b>						
1.1.	Тургун савдо шоҳобчалари орқали чакана савдо:					
	Озиқ-овқат товарлари	10 м <sup>2</sup> гача 10 м <sup>2</sup> дан ортиқ (ҳар бир қўшимча кв.м. учун)	10 0,3	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
	Ноозиқ-овқат товарлари шу жумладан: заргарлик буюмлари	10 м <sup>2</sup> тacha 10 м <sup>2</sup> дан ортиқ (ҳар бир қўшимча кв.м. учун)	10 1,2	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
	автомобиллар	10 м <sup>2</sup> тacha 10 м <sup>2</sup> дан ортиқ (ҳар бир қўшимча кв.м. учун)	10 0,9	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
	мебель	10 м <sup>2</sup> тacha 10 м <sup>2</sup> дан ортиқ (ҳар бир қўшимча кв.м. учун)	10 1,0	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
	қурилиш материаллари	10 м <sup>2</sup> тacha 10 м <sup>2</sup> дан ортиқ (ҳар бир қўшимча кв.м. учун)	10 0,6	0,7-2,0	0,5-1,5	0,3-1,0
	Аралаш савдо (озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан)	10 м <sup>2</sup> тacha 10 м <sup>2</sup> дан ортиқ (ҳар бир қўшимча кв.м. учун, гача	10 0,4	0,7-0,2	0,5-1,5	0,3-1,0

\*) Фаолиятнинг бир нечта тури билан шуғулланувчи жисмоний шахс солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида тўлайди.

Т/р	Фаолиг түри	Солик соиницан база	Катый белгиланган ойлик соликнинг базавий ставкаси (энг кам ойлик иш хацига нисбатан карра мидорида)	Катый белгиланган базавий ставкага ўзгаруучан коэффициентлар	
				Тошкент ш.	Вилоят шахарлари
1.2.	Турғун савдо шохобчалари ташкил килемасдан, шу жумладан бозерларда:**) Озиқ-овқат товарлари, шу жумладан: кишилек хўжалиги маҳсулотлари***) Ноизик-овқат товарлари, шу жумладан: зарборлик бўгулларни автомобиллар, мебель Араваш савдо (озик-овқат ва ноизик-овқат товарлар бўлан)			0,7-0,2 0,7-1,5 0,7-2,0	0,5-1,5 0,4-1,2 0,5-1,5 0,3-1,0 0,3-1,0 0,3-1,0
1.3.	Улутржи савдо, улутрки-чакана савдо ва савдо-воситачилик фаoliyati****) Озиқ-овқат товарлари, шу жумладан: кишилек хўжалиги маҳсулотлари Ноизик-овқат товарлар, шу жумладан: зарборлик бўюмлари, мебель, курилиш материяллари Араваш савдо (озик-овқат ва ноизик-овқат товарлар бўлан)			1,0-2,0 1,0-1,5 1,0-2,0 0,5-1,5 0,4-1,2 0,5-1,5 0,3-1,0 0,3-1,0 0,3-1,0	0,5-1,5 0,4-1,2 0,5-1,5 0,3-1,0 0,3-1,0 0,3-1,0 0,3-1,0 0,3-1,0 0,3-1,0
<b>II. Умумий овқатланиш</b>		овқатланиш ўринидари сони	4	1,0-2,0	0,6-1,2 0,4-1,0

\*\*) Кўрсатилган ставкалар «Отчопар буюм бозори» очик турдаги акциядорлик жамиятида савдо фаолияти билан шуулланувчи жисмоний шахсларга тагбик этилмайди.

\*\*\*) Пахсий ёртамичи хўжаликка ўстирилган чорва моллари, нутрия, балик, парранда (тирик холда ёки уларнинг сўйилган холдаги хом ва кайта ишланган маҳсулотлари), шунингдек табиий ва кайта ишланган холдаги асаларичилик ва дехкончилик (тулчинликдан ташкири) маҳсулотлари билан савдо килиш бундан мустасно. Декон хўжалиги фуқаросидан мавжуд маҳсулотлар махаллий давлат хокимияти органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган белгиланган намунадаги маъымотнома билан тасдиқланади.

\*\*\*\*) Солик солиши максадида ултуржи савдо дегандан жисмоний шахсларнинг бозорларда, махаллий давлат хокимияти органлари томонидан билан боғлик савдо фаолиятидан бошқа барча савдо турлари тушунилади.

#### Изоҳ:

1) Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуулланувчи жисмоний шахслар учун белгилаб кўйилган солик ставкаларининг аник микадорлари Республикастон Коракалпогистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимиятилари томонидан тадбиркорлик фаолияти турига, фаолият жойига (шахар, туман, шу жумладан кишилек жой) кўра белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **93 Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

### **[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 20 февралдаги ПФ-3029-сон Фармонини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 4 мартағи 77-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳисоб рақамларига тушадиган маблағлардан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг тузилмаси ва 125 кишидан (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) иборат бўлган штатдаги ходимларининг чекланган сони 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини маблағ билан таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун хужжатларида белгиланган тартибида патент пошлиналари ва бошқа солик бўлмаган тўловлар тарзида идоранинг ҳисоб рақамига тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

3. Белгилаб қўйилсанки, 2002 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳисоб рақамларига миллӣ ва хорижӣ валютада тушадиган патент пошлиналари маблағлари ҳамда бошқа солик бўлмаган тўловлар кўйидаги тартибида:

75 фоизи — Давлат бюджети даромадига;

15 фоизи — Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши хузуридаги Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармасига;

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига — унинг ходимларини моддий рағбатлантиришда (маблағларнинг кўпи билан 25 фоизи), идоранинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ҳамда саноат обьектларини ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини хукукий муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ташкилотларда қатнашишда фойдаланиш учун тақсимланади.

Давлат патент идораси тушадиган маблағларнинг ҳар ўн кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармасининг маҳсус валюта ва сўмдаги ҳисоб рақамларига ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан патент пошлиналарини ва бошқа солик бўлмаган тўловларни ундиришдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат патент идораси саноат мулки обьектларига, селекция ютукларига, электрон-хисоблаш техникаси учун дастурларга, маълумотлар базаларига ва интеграл микросхемалар топо-

ологияларига ҳуқуқий муҳофаза хизмати кўрсатиш билан боғлик бўлган юридик жиҳатдан аҳамиятли ишларнинг амалга оширилганлиги учун ундириладиган патент пошлиналари миқдорлари юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси буюртманомаларига биноан ҳукумат алоқаси телефонлари ўрнатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Тошкент шаҳар, Тўйтепа кўчаси, 2а-уйга жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чикувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.


10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари X.С. Кароматов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 14 июнь,  
209-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 14 июнданги 209-сон қарорига  
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 14 июнядаги 209-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида», «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиши жойларининг номлари тўғрисида», «Селекция ютуклари тўғрисида», «Электрон хисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини хукуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» ва «Интеграл микросхемалар топологияларини хукуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг (кейинги ўринларда — Патент идораси деб аталади) асосий вазифалари, функциялари ва ваколатларини белгилайди.

2. Патент идораси саноат мулкини, шу жумладан ихтиrolарга, саноат намуналарига, фойдали моделларга, товар белгиларига, хизмат кўрсатиш белгиларига ва товарлар келиб чиқиши жойларининг номларига (кейинги ўринларда — саноат мулки объектларига) хукуқларни муҳофаза қилиш соҳасида, шунингдек селекция ютукларини, электрон хисоблаш машиналари учун дастурларни (кейинги ўринларда — ЭҲМ учун дастурлар деб аталади), маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини хукуқий муҳофаза қилиш борасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва рўёбга чиқаришда иштирок этувчи ваколатли давлат органи хисобланади.

Патент идораси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хисобот беради.

3. Патент идораси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, халқаро шартномаларга (битимларга), шунингдек мазкур Низомга амал қиласи.

4. Патент идораси юридик шахс хисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, бошқа зарур муҳр ва штампларга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларига эга бўлади.

5. Патент идораси ўз фаолиятини давлат органлари, ихтирочилар ва рационализаторларнинг жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, фаолияти интеллектуал мулк муҳофазаси билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Патент идораси ходимларига фан соҳаси ва илмий муассасалар ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

### **II. Патент идорасининг асосий вазифалари ва функциялари**

7. Қуйидагилар Патент идорасининг асосий вазифалари хисобланади:  
саноат мулки объектларини, селекция ютукларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини хукуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

саноат мулки объектлари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига хукукий муҳофаза хизмати кўрсатиш;

расмий рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига оид патент хужжатларининг давлат фонди ни ва маълумотлар банкини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасида илмий-техника, бадиий-конструкторлик ва бошқа ижодиётларнинг ривожланиши учун шароитлар яратишга кўмаклашиш.

8. Патент идораси ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни бажаради:

Хукуматга саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини хукукий муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш бўйича таклифлар киритади ва уни рўёбга чиқаришда бевосита иштирок этади;

саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини хукукий муҳофаза қилиш масалалари бўйича қонун хужжатларини тайёрлашда қатнашади, шунингдек ўз ваколатлари доирасида зарур норматив хужжатлар қабул қиласи;

саноат мулки объектлари, селекция ютуқларига оид муҳофаза хужжатларини бериш юзасидан буюртманомаларни, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини расмий рўйхатдан ўтказиш юзасидан буюртманомаларни кўриб чиқиш учун қабул қиласи, ихтиrolарнинг давлат илмий-техника экспертизасини, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарлар келиб чиқиши жойларининг номлари давлат экспертизасини амалга оширади, аризадаги объектларнинг устуворлигини белгилайди, селекция ютуқларига оид буюртманомаларни расмий экспертизадан ўтказади, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказишга оид буюртманомаларни давлат экспертизасидан ўтказади;

аризадаги саноат мулки объектларининг патентга лойиклик шартларига мувофиқлигини аниқлаш натижалари бўйича муҳофаза қилиш хужжатларини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сувхўжалиги вазирлигининг ихтисослаштирилган ташкилотлари хulosалари асосида селекция ютуқларига патентлар ва гувоҳномалар бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қиласи, шунингдек ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини берилган буюртманомаларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш натижаларига кўра расмий рўйхатдан ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қиласи;

саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади, шунингдек муҳофаза қилиш хужжатларини беради, тегишли давлат реестрларини юритади;

муҳофаза қилиш ва бошқа зарур хужжатларнинг ягона шаклларини белгилайди; давлат илмий-техника экспертизасини ўтказишда қатнашиш учун манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этади;

саноат мулки объектларидан, селекция ютуқларидан, ЭҲМ учун дастурлардан, маълумотлар базаларидан, интеграл микросхемалар топологияларидан фойдаланиш хукукини бериш тўғрисидаги лицензия шартномаларини, шунингдек уларни тўлиқ ёки

қисман бериш тўғрисидаги ёки уларнинг кафолати тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказади;

рўйхатдан ўтказилган шартномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар банкини юритади;

Патент идорасининг бюллетенларини ва бошқа расмий нашрларини, шунингдек саноат мулки обьектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини хуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича бошқа маълумотлар ва материалларни чоп этишни ташкил қиласди ва амалга оширади;

саноат мулки обьектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини хуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида манфаатдор шахсларга методик ёрдам кўрсатади;

патент хужжатларининг давлат фондини бутлаш ишларини ташкил этади ва амалга оширади, унинг сақланишини таъминлайди ва унинг асосида манфаатдор ташкилотларга, мансабдор шахсларга ва фуқароларга кутубхона-библиография, маълумотнома-ахборот ва илмий-методик хизмат кўрсатишни ташкил қиласди;

ўз фаолияти тўғрисидаги хисоботларни чоп этади;

саноат мулки обьектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини хуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади, давлат патент тизимини ривожлантиришнинг муҳим истиқболли муаммоларини ишлаб чиқиш ва ҳал этиш учун вактингчалик ижодий илмий жамоаларни ташкил қиласди;

патент бўйича ваколатли вакилларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказишни амалга оширади, патент бўйича ваколатли вакилларнинг давлат реестрини юритади;

саноат мулки обьектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини хуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги шикоятлар ва низоларни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ қўриб чиқади;

саноат мулки обьектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини яратиш, хуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги кадрларни тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

ўз ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиради;

саноат ва интеллектуал мулкнинг ҳамда уни хуқуқий муҳофаза қилиш тизимишнинг роли ва уларнинг давлатни иқтисодий, маданий ва ижтимоий ривожлантиришга таъсирини тарғиб қилиш тадбирларини ташкил қиласди ва амалга оширади;

Патент идорасининг вазифаларига мувофиқ бўлган ва амалдаги қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа функцияларни бажаради.

### **III. Патент идорасининг ҳалқаро фаолияти**

#### **9. Патент идораси:**

интеллектуал мулк хуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади ҳамда ушбу ҳамкорлик доирасида саноат обьектларини ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини хуқуқий муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳалқаро ташкилотлар ишида қатнашади;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳалқаро шартно-

малари (битимлари)дан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;

саноат объектларини ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш тўғрисида белгиланган тартибида таклифлар киритади, тегишли халқаро ташкилотлар, патент идоралари ва чет мамлакатларнинг бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва шартномалар тузиш тўғрисида музокаралар олиб боради ҳамда Вазирлар Мажхамасининг топшириғига биноан мазкур шартномаларни имзолайди;

хорижий патент идоралари, халқаро ташкилотлар ва чет эл ахборот фирмалари билан патент ҳужжатлари ва патент-ҳуқуқий адабиётларни халқаро алмашибни амалга оширади, интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги чет эл тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланишини ташкил қиласди.

#### **IV. Патент идорасининг ҳуқуқлари**

10. Давлат патент идораси ўзига юкланган функцияларга мувофиқ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

аризачилардан саноат мулки объектлари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологиялари юзасидан буюртманомаларга қўшимча материалларни, буюртманомаларни кўриб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материалларни белгиланган тартибида сўраб олиш;

саноат мулки объектлари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологиялари юзасидан буюртманомаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни оғзаки муҳокама қилишни ташкил этиш ва ўтказиш, аризачиларни ва уларнинг вакилларини кўрсатиб ўтилган масалаларни кўриб чиқиша катнашиш учун таклиф этиш;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ишларнинг аҳволини тавсифловчи статистик ва бошқа маълумотларни, шунингдек Патент идорасига юкланган вазифаларни рўёбга чиқариш ва унга ўз функцияларини амалга ошириши учун зарур бўлган бошқа маълумотларни белгиланган тартибида олиш;

саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари бўйича белгиланган тартибида таклифлар киритиш;

конун ҳужжатларida назарда тутилган юридик жиҳатдан аҳамиятли ишларни амалга ошириш учун патент пошлиналари ва бошқа солик бўлмаган тўловларнинг турлари, миқдорлари, тўлаш муддатлари ва тартиби тўғрисида белгиланган тартибида таклифлар киритиш;

патент-ахборот ва бошқа маҳсулотларга, шунингдек саноат объектларини ва бошқа интеллектуал мулк турларини ҳуқуқий муҳофazaga қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги материаллар ва хизматларга белгиланган тартибида нархлар ва тарифлар белгилаш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш, интеллектуал объектларни муҳофazaga қилиш соҳасида илмий-методик ва ахборот материалларини, даврий нашрларни, аудиовизуал ва бошқа матбаа маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш;

патент пошлиналарини ва бошқа солик бўлмаган тўловларни, шунингдек турли хизматлар кўрсатганлик учун тушумлар ва материалларни ўтказиш ва кейинчалик

улардан фойдаланиш учун ҳисоб рақамлари, шу жумладан валюта ҳисоб рақамлари очиш;

Патент идораси томонидан таъсис этилган таркибий бўлинмаларни белгиланган тартибда ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

ихтирочилик ва ижоднинг бошқа турлари соҳасидаги улкан ютуклар учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонларини бериш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

интеллектуал мулк обьектларини хукуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш учун мамлакатимиз ва чет эл мутахассисларини шартномавий асосда жалб этиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар жамғармаларини шакллантириш.

## **V. Патент идорасининг жавобгарлиги**

11. Патент идораси:

саноат обьектлари ва интеллектуал мулкнинг бошқа турлари юзасидан буюртманомаларнинг давлат экспертизасини ўз вақтида ўтказиш, унинг сифати ва маҳфийлиги;

патент пошлиналарини ва бошқа солик бўлмаган тўловларни ундиришдан тушган тушумлар белгиланган қисмининг давлат бюджетига ва Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармасига ўз вақтида ўтказилиши;

бухгалтерия ва молиявий ҳисботнинг қонун хужжатларида белгиланган тартибда юритилиши;

бюджет маблағларининг ва патент пошлиналарини ҳамда солик бўлмаган тўловларни ундиришдан тушган маблағларнинг идора ихтиёрида қолган қисмидан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб беради.

## **VI. Патент идораси фаолиятини ташкил этиш**

12. Патент идорасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Директор бошқаради.

Директорнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

13. Патент идорасининг Директори:

Патент идорасининг фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Патент идорасига юкландган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Директор ўринбосарлари лавозимига тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасига тақдим этади;

ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Патент идорасининг штат жадвалини, уларни маблағ билан таъминлаш харажатлари сметасини белгиланган ходимлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида тасдиқлайди;

Патент идорасининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди; тасдиқланган тузилмага белгиланган ходимлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартишлар киритиш хукуқига эга;

Патент идораси ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Патент идораси ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

ўз ваколати доирасида Патент идораси ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруклар, фармойишлар ва йўриқномалар чиқарди, кўрсатмалар беради; республикада ва чет элларда Патент идораси манфаатларини ифодалайди.

14. Патент идораси фаолиятини маблағ билан таъминлаш республика бюджет маблағлари хамда патент пошлиналари маблағларининг ва юридик жиҳатдан аҳамиятли бўлган ишларни амалга оширганлик учун ундириладиган бошқа солиқ бўлмаган тўловларнинг бир қисми ва қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

15. Патент идорасида ҳайъат тузилади, унинг таркибига Директор (ҳайъат раиси) ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Патент идорасининг бошқа раҳбар ходимлари киради. Ҳайъат 7 кишидан иборат таркибда тузилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат маслаҳатлашув органи ҳисобланади, у ўзининг мунтазам равишда ўтказиладиган мажлисларида Патент идораси ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятининг муҳим масалаларини кўриб чиқади.

Ҳайъат раиси ва унинг аъзолари ўртасида келишмовчиликлар бўлган тақдирда қарор раис томонидан қабул қилинади, у келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қиласди. Ҳайъат аъзолари, ўз навбатида, ўз фикрларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хабар қилишлари мумкин.

Ҳайъат қарорлари протоколлар билан расмийлаштирилади ва Патент идораси Директорининг буйруклари билан амалга оширилади.

16. Патент идорасида Патент идорасининг аризадаги саноат мулки обьектлари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологиялари, муҳофаза қилиш хужжатларини беришга қаршилик юзасидан Патент идораси қарорларига манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар томонидан билдирилган апелляцияларни ва бошқа турдаги апелляцияларни кўриб чиқиш учун Апелляция кенгashi тузилади.

Апелляция кенгashi таркибига Патент идораси Директори, унинг ўринбосарлари ва бош эксперталар киради.

17. Муаммоларни илмий таҳлил қилиш, саноат мулки обьектларини муҳофаза қилиш, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини хуқуқий муҳофаза қилиш бўйича муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш учун Патент идорасида унинг юкори малакали ходимларидан, шунингдек патентлаш соҳасидаги давлат органлари, ташкилотлар вакилларидан, етакчи олимлар ва мутахассислардан Илмий-техника кенгashi тузилади.

Илмий-техника кенгashi тўғрисидаги Низом ва унинг шахсий таркиби Патент идораси Директори томонидан тасдиқланади.

18. Патент идорасини тугатиш ёки қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 14 июндаги 209-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси  
томонидан патент пошлиналарини ва солиқ бўлмаган бошқа  
тўловларни ундиришдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (кейинги ўринларда Патент идораси деб аталади) патент пошлиналари ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ундиришдан тушадиган миллий ва хорижий валюталардаги маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Патент пошлиналари ва бошқа солиқ бўлмаган тўловлар ундиришдан тушган сўмдаги ва валютадаги маблағлардан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш мақсадида Патент идораси тижорат банкида (кейинги ўринларда банк деб аталади) сўмда ва валютадаги хисоб рақамларининг куйидаги турларини очади:

тушган валюта маблағларини жамлаш ва кейинчалик уларни тақсимлаш учун хорижий валюталардаги (АҚШ доллари, Евро, Швейцария франки, Россия рубли ва бошқалар) блок-хисоб рақамлари;

тушадиган сўм маблағларини жамлаш ва кейинчалик уларни тақсимлаш учун миллий валютадаги блок-хисоб рақамлари;

идора ихтиёрида қоладиган валюта маблағларидан мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун хорижий валюталардаги жорий хисоб рақами;

патент пошлиналари ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларни миллий валютада ундиришдан тушган, шунингдек валюта маблағларини белгиланган тартибда биржадан ташқари валюта бозорида сотишидан тушган маблағларни мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган мақсадларга йўналтирган холда ўтказиш учун миллий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит хисоб рақами.

3. Патент идорасининг кўрсатиб ўтилган валюта ва сўмдаги хисоб рақамларига фақат патент пошлиналарини ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларни ундиришдан тушган маблағлар ўтказилади.

4. Ушбу хисоб рақамлари бўйича хисобот Патент идорасининг бошқа банк хисоб рақамларидан алоҳида юритилади.

**II. Патент пошлиналарини ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларни  
ундиришдан тушган маблағларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш  
тартиби**

5. Патент идораси томонидан патент пошлиналари ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларни ундиришдан хорижий ва миллий валютада тушадиган маблағлар идоранинг тегишли блок-хисоб рақамларига ўтказилади.

6. Хисобот даврида тушган валюта ва сўмдаги маблағлар ҳар ўн кунда, ҳар бир ойнинг 10, 20 ва 30-кунидан кечикмай валюта ва сўмдаги блок-хисоб рақамларидан:  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг валюта (валюталарнинг ҳар бир

тури бўйича алоҳида) ва сўмдаги хисоб рақамларига — тушган маблағлар умумий ҳажмининг 75 фоизи микдорида;

Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаси ҳузуридаги Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармасининг валюта ва сўмдаги хисоб рақамларига — тушган маблағлар умумий ҳажмининг 15 фоизи микдорида;

Патент идорасининг жорий валюта хисоб рақамларига (валюталарнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида) ва талаб қилиб олинадиган депозит хисоб рақамига — тушган маблағлар умумий ҳажмининг 10 фоизи микдорида ўтказилади.

Бунда патент идорасининг блок-хисоб рақамларидаги валюта ва сўмдаги маблағларидан бошқа йўналишларда фойдаланиш тақиқланади.

7. Патент идорасининг валюта ва сўмдаги хисоб рақамларига тушган маблағларнинг:

кўпи билан 25 фоизидан идора ходимларини моддий рағбатлантиришда;

колган маблағлардан — идоранинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш, хизмат сафари харажатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг саноат объектларини ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплашда фойдаланиш мумкин.

Идоранинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун назарда тутилган маблағлар хисобига автотранспорт воситалари, алоқа воситалари ва шунга ўхшаш бошқа буюмлар (офис техникаси, аудио-видео техника, офисни жиҳозлаш учун юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар ва шу кабилар) харид қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазиригининг розилиги билан йўл қўйилади.

8. Патент идорасининг жорий хисоб рақамларидаги маблағлар биржадан ташқари валюта бозорида сотилиши мумкин.

9. Патент идорасининг жорий валюта хисоб рақамларидаги валюта маблағларнинг бир кисми сотилган тақдирда унинг сўмга teng қиймати Патент идорасининг талаб қилиб олинадиган сўмдаги депозит хисоб рақамига ўтказилиши керак.

Жорий хисоб рақами ва талаб қилиб олинадиган депозит хисоб рақамидаги маблағлардан фақат мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш мумкин.

### **III. Идора ходимларини моддий рағбатлантириш шакллари**

10. Патент идорасининг валюта ва сўмдаги хисоб рақамларидан тушган маблағлар умумий ҳажмининг кўпи билан 25 фоизи микдорида ажратиладиган маблағлар юқори малакали кадрлар меҳнатини кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, патент иши нуфузини оширишга, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш соҳасига ёш истикболли мутахассисларни жалб қилишга йўналтирилади.

11. Патент идораси ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

рағбатлантирувчи тўловлар;

хисобот давридаги иш якунлари бўйича тақдирлаш;

бир галлик мукофотлар тўлаш;

ходимларга моддий ёрдам бериш ва компенсация тўловлари.

12. Хисобот давридаги иш якунлари бўйича ходимларга рағбатлантирувчи тўлов ва мукофот белгилаш ва тўлаш тўғрисидаги карор Патент идораси раҳбари томонидан идора таркибий бўлинмалари раҳбарларининг тақдимномаси бўйича ва касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган холда қабул қилинади.

Ҳисобот давридаги иш якунлари бўйича Патент идораси раҳбарига рағбатлантирувчи тўловлар ва мукофот белгилаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан қабул қилинади.

13. Ходимларга моддий ёрдам тўлаш ва харажатларни компенсация қилиш тўғрисидаги қарор Патент идорасининг камидаги 5 кишидан иборат таркибдаги маҳсус комиссияси томонидан қабул қилинади. Комиссия таркибига идора раҳбари ва касаба уюшмаси қўмитаси вакили кириши шарт. Комиссия ишининг иш тартиби идора раҳбари томонидан тасдиқланган ва касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низом билан белгиланади.

#### **IV. Рағбатлантирувчи тўловлар**

14. Рағбатлантирувчи тўловлар ходимларнинг юқори малакаси учун Патент идораси таркибий бўлинмалари раҳбариётининг тақдимномасига кўра ходим лавозим маоши миқдорининг 75 фоизи миқдорида лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар сифатида белгиланиши мумкин.

15. Ходимларнинг лавозим маошларига устамалар топшириқлар ўз вақтида бажарилмаган, иш сифати ёмонлашган ва меҳнат интизоми бузилган тақдирда бекор қилиниши ёки камайтирилиши мумкин.

#### **V. Ҳисобот давридаги иш якунлари бўйича мукофотлаш ва бир галлик мукофотлар тўлаш**

16. Патент идораси ходимлари йил чорагидаги иш якунлари бўйича мукофотлашадилар.

17. Йил чорагидаги иш якунлари бўйича мукофот топшириқлар ортиғи билан бажарилган, ходимларга юклangan лавозим мажбуриятлари зарур даражада бажарилган тақдирда амалда ишланган вақт (қонун хужжатларига мувофиқ иш ҳақи ҳисобланадиган вақт) учун тўланади.

18. Йил чораги якунлари бўйича ҳар бир ходимни мукофотлашнинг аниқ миқдори ходимнинг иккита лавозим маошидан ортиқ бўлмаслиги керак.

19. Ишда нуқсонларга йўл қўйган ва меҳнат интизомини бузган ходимлар мукофотдан тўлиқ ёки қисман маҳрум этилади. Ишдаги нуқсонлар ва меҳнат интизоми бузилишлари рўйхати ички тартиб коидалари билан белгиланади.

20. Идоранинг бир йилдаги иш якунлари бўйича Патент идорасининг рўйхатдаги таркибида турувчи ходимларга қўшимча мукофот тўланishi мумкин.

Бир йилдаги иш якунлари бўйича ходимларни мукофотлашнинг умумий суммаси ҳисобот йилида шаклланган ўртача иш ҳақининг олти бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

21. Бир йилдаги иш якунлари бўйича мукофотлаш бутун календарь йил давомида ишлаган ходимларга тўлиқ миқдорда тўланади.

22. Бутун календарь йил мобайнида ишлаган, бирок мазкур мукофотлаш тўлашинигача Патент идорасидан бўшаган ходимларга ушбу мукофот тўлиқ миқдорда ва ушбу мукофотни тўлаш учун белгиланган муддатларда тўланади.

23. Календарь йил тамом бўлишинигача ишдан бўшаган ходимларга, ишдан бўшаш сабабларидан қатъи назар, бир йилдаги иш якунлари бўйича мукофот тўланмайди.

24. Иш ҳақи ҳисоблаш тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ходимларга бир йилдаги иш якунлари бўйича мукофотни ҳисоблаш учун асос ҳисобланади.

25. Патент идораси ходимларига аниқ алоҳида муҳим вазифалар юқори сифатли ва ўз вақтида бажарилганилиги учун бир галлик мукофотлар тўланиши мумкин. Ушбу мукофот микдори бир йилда иккита лавозим маошидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

## **VI. Ходимларга моддий ёрдам бериш ва компенсация тўловлари**

26. Ходим меҳнат таътилига чиққан тақдирда унга битта лавозим маошидан кўп бўлмаган микдорда моддий ёрдам тўланиши мумкин.

27. Иш билан боғлик бўлмаган ҳолларда (дафн этиш, касал бўлганда ва баҳтсиз ҳодисаларда) ходимга иккита лавозим маоши микдоригача моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

28. Ходимларга овқатланиш учун компенсация тўловлари ҳар ойда ойлик лавозим маошининг 0,5 гача микдорида белгиланади ва тўланади.

29. Ходимларнинг жамоат транспортида юриши учун компенсация тўловлари ҳар ойда ойлик йўлкира карточкалари қийматидан ортиқ бўлмаган микдорда белгиланади ва тўланади.

## **VII. Моддий рағбатлантириш фонди маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш ва унинг учун жавобгарлик**

30. Патент идораси йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чораги тамом бўлгандан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига сўмдаги ва валютадаги блок-хисоб рақамларига тушган маблағлар тақсимланиши, шунингдек идоранинг жорий валюта ҳисоб рақамлари ва талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамидаги маблағлардан фойдаланиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

31. Мазкур Низомда кўрсатилган идора ходимларини моддий рағбатлантириш шакллари ўрнатилиши, ҳисоб-китоб қилиниши ва тўланиши тўғрилиги учун жавобгарлик Патент идорасининг раҳбари ва бош бухгалтерига юкланади.

32. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси икки йилда камида бир марта Патент идорасининг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда тафтиш киласи, идоранинг валюта ва сўмдаги ҳисоб рақамларидаги маблағлар тўғри тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланиши масаласини мажбурий тартибда ўрганади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 14 июндаги 209-сон қарорига  
4-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йигимлар ҳамда солик бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорида:

а) 1-иловада:

бешинчи хат бошидаги «Республика валюта жамғармасининг ҳисоб рақамига» сўзлари «давлат бюджетига» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хат бошидаги «Республика валюта жамғармаси ҳисоб рақамига» сўзлари «давлат бюджетига» сўзлари билан алмаштирилсин;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

б) 2-илованинг VIII бўлимида:

бўлимнинг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси бўйича»;

«Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида» сўзлари «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарларнинг келиб чиқиш жойлари номлари тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсан;

в) Божлар, йигимлар ҳамда солик бўлмаган бошқа тўловлар тўлашдан тушган валюта тушумларини тақсимлаш жадвалида:

«Республика валюта жамғармаси» устунининг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат бюджети»;

11-бандда:

«Вазирлик, идора жамғармаси» устунидаги «100» рақами «10» рақами билан алмаштирилсан;

«Давлат бюджети» устуни «75% / 15%\*» рақамлари билан тўлдирилсан;

охирги устундаги «Фан ва техника давлат қўмитасининг Патент идораси» сўзлари «Давлат патент идораси» сўзлари билан алмаштирилсан;

жадвал қўйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсан;

«\*изоҳ:

— 75% Давлат бюджети даромадига;

— 15% Илмий-техника тараққётини Мувофиқлаштириш Кенгаши хузуридаги Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармасига».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 марта 77-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2002 й., 3-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Илмий-техника тараққётини Мувофиқлаштириш Кенгаши хузуридаги Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низомда:

4-банд иккинчи хат бошидан кейин қўйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг хисоб рақамига тушувчи патент пошлиналари ва бошқа солик бўлмаган тўловлардан тушувчи 15% миқдоридаги валюта ва сўмдаги маблағлар»;

5-банд қўйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсан:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг хисоб рақамига тушувчи патент пошлиналари ва бошқа солик бўлмаган тўловлардан тушувчи валюта ва сўмдаги маблағлар ҳар ўн кунда хисобот даврида амалда тушган маблағларнинг 15 фоизи миқдорида Жамғарманинг валюта ва сўмдаги хисоб рақамларига ўтказилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **94 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Қатъий белгиланган ва бошқариладиган нархлар (тарифлар) ҳамда устама нархларнинг шакллантирилиши ва қўлланилиши устидан давлат назоратини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди**:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 19 июнь,  
216-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 19 июндаги 216-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари хакида» 1997 йил 31 мартағи 165-сон карори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланилишини назорат қилиш тартибида:

- 1) **11-банднинг иккинчи хат бошида** «хўжалик юритувчи субъектга» сўзларидан кейин «ва давлат монополияга қарши органига» сўзлари қўшилсин;
- 2) **20-банднинг иккинчи хат бошида** «устамаларни» сўзидан кейин «ҳамда рентабелликнинг чекланган даражасини» сўзлари қўшилсин;
- 3) **21-банднинг бешинчи хат боши** «чораклик ҳисоб-китоблар асосида» сўзларидан кейин «ишларнинг мавсумий хусусиятига эга бўлган корхоналар учун эса йиллик ҳисоб-китоблар асосида» сўзлари қўшилсин;
- 4) **22-банд** қўйидаги таҳтирида баён қилинсан:

«Мазкур Тартиб бузилиши натижасида олинган маблағлар (маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар)нинг декларацияда кўрсатилмаган нархлари қўлланилиши натижасида олинган тафовутдан ташқари) Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси ҳисоб рақамига олиб қўйилади. Бунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сотилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун улар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича мазкур Тартиб бузилиши натижасида олинган маблағлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қайтарилиши керак.

Маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар)нинг декларацияда кўрсатилмаган нархларини қўллашдан олинган тафовут тегишли бюджетга олиб қўйилади.

Нархлар (тарифлар) шакллантирилиши ва улар қўлланилиши устидан назорат қилиш тартиби бузилганлиги учун мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хат бошиларига мувофиқ олиб қўйилиши керак бўлган сумма микдорида жарима ундирилади.

Жарима суммаси Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси» ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат монополияга қарши кураш органининг қарорига мувофиқ олиб қўйилиши керак бўлган сума белгиланган ўттиз кун муддатда ўтказилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъект кечиктирилган ҳар бир кун учун олиб қўйилиши керак бўлган маблағнинг 0,15 фоизи микдорида пеня тўлайди. Агар кечиктириш банкнинг айби билан юз берган бўлса (хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов топшириғи тушган кундан бошлаб уч кундан ортиқ) 0,15 фоиз микдоридаги пеня банк томонидан тўланади»;

5) **23-бандда** «Иқтисодий санкциялар» сўзлари «Жарима» сўзи билан алмаштирилсин;

6) **24-банд** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қонунсиз олинган маблағлар олиб қўйилиши ва хўжалик юритувчи субъектларга жарима солиниши уларнинг мазкур Тартиб бузилишида айборд бўлган мансабдор шахсларини амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилмайди»;

7) **25-банд** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси» ҳисоб рақамига олиб қўйилиши керак бўлган суммани ҳисоблаб чиқиша соликларнинг оширилишига олиб келган мазкур Тартиб бузилишига йўл қўйган корхоналарда соликларнинг ва бошқа тўловларнинг ортиқча тўланган суммаси корхонадан олиб қўйиладиган сумма пасайтирилиши ҳисобига ўтказилмайди»;

8) **26-банднинг иккинчи хат боши** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат монополияга қарши органининг қонунсиз олинган маблағларни олиб қўйиш ва мазкур Тартиб бузилганлиги учун жарима солиш тўғрисидаги қарори олингандан кейин бир ой муддатда ушбу маблағларни Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси» ҳисоб рақамига ёки тегишли бюджетга сўзсиз ундириб олади»;

9) **27-банд** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Назорат органлари мазкур Тартиб бузилганлиги аниқланган тақдирда текшириш материалларини қонунсиз олинган маблағлар олиб қўйилиши ва жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун тегишли монополияга қарши давлат органига юборадилар»;

10) **28-банд** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мазкур Тартиб бузилганлигини мустақил равишда аниқлаган ва бунинг натижасида ортиқча сумма олган хўжалик юритувчи субъект ушбу суммани Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси» ҳисоб рақамига ёки тегишли бюджетта ўтказади. Ушбу ҳолда жарима қўлланилмайди»;

11) **31-банд** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси» ҳисоб рақамига нотўғри ундирилган маблағлар ва жарималарни қайтариш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фойизлар қўшилган ҳолда монополияга қарши давлат органининг ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 1997 йил 22 июлдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Нархларни бошқариш жамғармаси тўғрисидаги Низомнинг **III қисмидаги биринчи ва иккинчи хат боши** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Нархларни бошқариш жамғармаси хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополияга қарши қонунчилик, табиий монополиялар тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилган ҳолларда улардан тушадиган маблағлар, шунингдек мазкур қонун бузилишлари учун

конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга солина-диган жарималар ҳисобига шакллантирилади.

Ушбу бўлимнинг биринчи хат бошида назарда тутилган маблағлар ва жарималарнинг жами суммаси (Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақо-батни ривожлантириш давлат қўмитасининг Ихтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига ўтказиладиган 15 фоиздан ташқари) Нархларни бошқариш жамғармасига йўналтирилади».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### **95 Статистика ва молия ҳисботини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Статистика ва молия ҳисботи шаклларини янада бирхиллаштириш, соддалаштириш ва қисқартириш, уни тақдим этиш даврийлигини такомиллаштириш, шунингдек ҳисбот тизимини халқаро стандартлар талабларига юқори даражада яқинлаштириш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг:

молия ва статистика ҳисботи шаклларини тақдим этиш даврийлигини қисқартириш тўғрисидаги 1-иловага мувофиқ;

статистика ҳисботи шаклларини бирхиллаштириш ва бирлаштириш тўғрисидаги 2-иловага мувофиқ;

статистика ҳисботи шаклларини бекор қилиш тўғрисидаги 3-иловага мувофиқ тақлифларига розилик берилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Давлат солик қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳрида ва республика минтақаларида молия ва статистика ҳисботини янада такомиллаштириш масалалари бўйича семинарлар ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Давлат статистикасини 2005 йилгача бўлган даврда янада тизимли ислоҳ қилиш комплекс дастурини ишлаб чиқсан ва Вазирлар Махкамасига тасдиқлаш учун киритсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар меъёрий хужжатларнинг қайта кўриб чиқилиши ва мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Махкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 25 июнь,  
227-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2002 й.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 25 июндангы 227-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Тақдим этиш даврийлиги қисқартириладиган молия  
ва давлат статистика ҳисоботи шаклларининг  
РҮЙХАТИ**

T/р	Шаклларнинг номи	Даврийлиги
<b>I. Молиявий ҳисобот</b>		
<b>1.1. Йирик ва ўрта корхоналар учун:</b>		
1.	Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот, 4-шакл	йиллик
<b>1.2. Кичик корхоналар ва микроформалар учун</b>		
2.	Бухгалтерия баланси, 1-шакл	йиллик
3.	Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, 2-шакл	йиллик
4.	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома, 2а-шакл	йиллик
<b>II. Статистика ҳисоботи</b>		
<b>2.1. Демография</b>		
5.	Маъмурий-худудий тузилмалар тўғрисида ҳисобот, Б-шакл	йиллик
<b>2.2. Соглиқни сақлаш</b>		
6.	Даволаш муассасаси хизмат кўрсатадиган ерда истиқомат қўливи чөморларда қайд этилган касалликлар тўғрисида ҳисобот, 12-шакл	йиллик
7.	Бола олдириш, тугруқ ва туғилганлар тўғрисида ҳисобот, 13-шакл	йиллик
8.	Стационар фаолияти тўғрисида ҳисобот, 14-шакл	йиллик
<b>2.3. Экология</b>		
9.	Захарли чиқиндилар ҳосил бўлиши, фойдаланилиши ва уларнинг жойлаштирилиши тўғрисида, 3-токсик чиқиндилар шакли	йиллик
10.	Ўрмон парвариши ишларини ўтказиш тўғрисида, 1-ўрмон хўжалиги шакли	йиллик
<b>2.4. Савдо</b>		
11.	Ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи ва улгуржи-веситачи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариш-техника маҳсулотлари ва молларни сотиш тўғрисида ҳисобот	ярим йиллик
12.	Дўйон ва умумий овқатланиш корхоналарини гурухлаш, 7-савдо шаклига илова	2 йилда бир марта
<b>2.5. Пуллик хизматлар</b>		
13.	Аҳолига майший хизмат кўрсатиш ва майший хизматлар кўрсатиш корхоналари тармоқлари тўғрисида ҳисобот	тармоқлар бўйича кўрсаткичлар учун йиллик
<b>2.6. Саноат</b>		
14.	Саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурслар олиш юзасидан мўлжаллари (режалари) ҳамда шартномалар тузишнинг бориши юзасидан сўров, 1-шартнома шакли	йилда 6 марта

T/p	Шакларнинг номи	Даврийлиги
15.	Саноат корхонаси иш фаолигининг таҳлили, ДА-шакл	йилда 2 марта
	<b>2.7. Энергетика</b>	
16.	Нефть маҳсулоти етказиб бериш ва унинг келиб тушиш манбалари тўгрисида, 2-пс (нефть) шакли	йиллик
	<b>2.8. Капитал қурилиш</b>	
17.	Ижтимоий соҳа айрим объектларини ишга тушириш тўгрисида ҳисобот, 2-қурилиш шакли	ҳар чоракда
18.	Объект, қувватларни ишга тушириш ва улар қурилишида асосий капиталга киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўгрисида ҳисобот, 1-қурилиш шакли	ҳар чоракда
	<b>2.9. Қишлоқ хўжалиги</b>	
19.	Қишлоқ хўжалиги ишлари олиб бориш учун кўрсатилган хизматлар тўгрисида ҳисобот, 6-мех (хизматлар) шакли	ҳар чоракда
20.	Қишлоқ хўжалиги техникаларининг ҳолати тўгрисида ҳисобот, 6-мех шакли	ҳар чоракда
	<b>2.10. Транспорт ва алоқа</b>	
21.	Давлат ва надавлат транспорт эгаларининг умумий фойдаланилмайдиган темир йўл транспорти тўгрисида ҳисобот, 3-тр (темир йўл) шакли	ҳар чоракда
22.	Ички сув транспортида йўловчи ва юк жўнатиш тўгрисида ҳисобот, 12-вт шакли	ҳар чоракда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 25 июндаги 227-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Бирхиллаштириладиган ва бирлаштириладиган давлат  
статистика ҳисоботи шаклларининг  
РЎЙХАТИ**

T/p	Шаклларининг номи	Даврийлиги
<b>Меҳнат бозори</b>		
1.	Меҳнат ҳисоботи, 1-т шакли	йиллик
2.	Ходимлар сони ва таркиби тўғрисида ҳисобот, 1-т (кадрлар) шакли	йиллик
<b>Соғлиқни сақлаш</b>		
3.	Даволашни қўшиб олиб борувчи санатория (пансионат)нинг ҳисоботи, 64-шакл	йиллик
4.	Санатория-профилакториялар ҳисоботи, 64-профилактория шакли	йиллик
5.	Дам олиш ва согломлаштириш муассасалари ҳисоботи, 65-шакл	йиллик
<b>Таълим</b>		
6.	Умумтаълим мактабларидағи педагог ходимлар сони ва таркиби тўғрисида ҳисобот, 3-дш шакли	йиллик
7.	Умумтаълим мактабларининг ўқитиш тиллари бўйича педагог ходимлари сони тўғрисида ҳисобот, 3-дш шаклга илова	йиллик
<b>Маданият</b>		
8.	Кинофильмларни ижарага бериш бўйича киновидеопрокат (киновидеобирлашма) ташкилотлари иши тўғрисида ҳисобот, 2-к шакли	йиллик
9.	Мавжуд киноқурilmалар, видеозаллар ва видеосалонлар ҳаракати ҳамда ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот, 2-к шакли	йиллик
<b>Ижтимоий таъминот</b>		
10.	Пенсия ва нафақалар тўғрисида ҳисобот, 6-ижт шакли	ҳар чорақда
11.	Пенсионер ва ижтимоий нафақалар олувчилар сонининг ортиб- камайиши тўғрисида ҳисобот, 7-ижт шакли	ҳар чорақда
12.	Пенсионерлар сони ва уларга тайинланган ойлик пенсиялар миқдори тўғрисида ҳисобот, 1-ижт шакли	йиллик
13.	Ижтимоий нафақа олувчилар сони ва уларга тайинланган ижтимоий нафақа миқдори тўғрисида ҳисобот, 1-ижт шаклга илова	йиллик
<b>Жисмоний тарбия ва спорт</b>		
14.	Жисмоний тарбия ва спорт бўйича ҳисобот, 1-жтс шакли	йиллик
15.	Жисмоний тарбия ва спорт бўйича молия ҳисоботи, 4-жтс шакли	йиллик
<b>Илмий-техник потенциал</b>		
16.	Илмий-техник ишларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот, 1-фан шакли	йиллик
17.	Илмий-тадқиқот, конструкторлик, лойиҳа-конструкторлик ва технologик ташкилотларнинг фаoliyati тўғрисида ҳисобот, 1-фан шаклга илова	йиллик

T/p	Шакларнинг номи	Даврийлиги
-----	-----------------	------------

**Савдо**

18. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқариш-техника маҳсулотлари ва молларни сотиш тўғрисида ҳисобот, 1-сотиш шакли ҳар чоракда
19. Улгуржи ва улгуржи-воситачи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариш-техника маҳсулотлари ва молларни сотиш тўғрисида ҳисобот, 1-сотиш(ул) шакли ҳар чоракда

**Транспорт ва алоқа**

20. Умумфойдаланиладиган автомобиль транспорти тўғрисида ҳисобот, 11-шос шакли йиллик
21. Умумфойдаланиладиган автомобилларда турлари бўйича юк тасиши тўғрисида ҳисобот, 11-шос(юк) шакли йиллик
22. Умумфойдаланиладиган трамвай транспорти хизмати тўғрисида ҳисобот 65-трам. шакли ҳар чоракда
23. Умумфойдаланиладиган метрополитен транспорти хизмати тўғрисида ҳисобот, 65-метро шакли ҳар чоракда

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 25 июндаги 227-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Бекор қилинадиган давлат статистика ҳисоботи шакллари  
РЎЙХАТИ**

T/p	Шакларнинг номи	Даврийлиги
-----	-----------------	------------

**Демография**

1. Маъмурий-худудий тузилмалар ўзгариши тўғрисидаги маълумот, В-шакл йиллик
2. Аҳолининг кўчиб юриш ҳисоби картаси, М шакл туман бўйича ҳар чоракда

**Уй-жой-коммунал хўжалиги**

3. Табиий газдан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот, 2-газ шакли йиллик

**Соғлиқни сақлаш**

4. Айрим юкумли ва паразитар касалликлар тўғрисида ҳисобот, 1-инф. шакли ойлик
5. Ўринларнинг ихтисослашуви бўйича тақсимланиши тўғрисида жамланма ҳисобот, 2-соглиқ шакли йиллик
6. Кундузги стационар фаолияти тўғрисида ҳисобот, 14-дс шакли йиллик

**Таълим**

7. Ўқув юртлари кутубхоналари ҳисоботи, 10-нк шакли йиллик

**Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш**

8. Хусусийлаштирилган корхона ҳисоботи, 1-хусусийлаштириш шакли ҳар чоракда

T/p	Шакларнинг номи	Даврийлиги
-----	-----------------	------------

**Илмий-техник потенциал**

9. Илмий-техник ишларни бажарувчи корхона, ташкилот моддий-техника базаси тўғрисида ҳисобот, 1-фан (мтб) шакли йиллик

**Экология**

10. Атмосфера ҳавосини (тургун манбалар) муҳофаза қилиш тўғрисида ярим йиллик ҳисобот 2-э(ҳаво) шакли

11. Атмосфера ҳавосини (кўчма манбалар) муҳофаза қилиш тўғрисида ярим йиллик ҳисобот 2-э(транспорт) шакли

**Савдо**

12. Мавжуд ноҳаридорбоп ҳамда касод моллар қолдиги тўғрисида ярим йиллик ҳар чоракда ҳисобот, 2-савдо (ноҳаридорбоп) шакли

**Пулли хизматлар**

13. Пулли тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисида ҳисобот, 1-хизмат (соглиқ) шакли ҳар чоракда

14. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича пулли хизмат кўрсатиш тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот, 1-жтс (хизматлар) шакли

**Энергетика**

15. Поездларни тортиш учун сарфланган дизель ёнилгиси ва электр энергияси тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот, 1-дэт шакли

**Қишлоқ хўжалиги**

16. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлиги сифати тўғрисида ҳисобот, 14-қх: шакли йилда 2 марта

17. Молия-хўжалик фаолиятининг кутилаётган натижалари тўғрисида ҳисобот, 8-қх шакли йиллик

18. Мавжуд минерал ва органик ўғитлар сарфи тўғрисида ҳисобот, 9-қх шакли ойлик

19. Ёрдамчи давлат ёки кооператив хўжаликларида чорвачиликнинг аҳволи тўғрисида ҳисобот, 24-шакл (ёрдамчи) йиллик

20. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашёларига контрактация шартномаларининг тузилиши тўғрисида ҳисобот, 18-заг. шакли ойлик

**Транспорт ва алоқа**

21. Узлуксиз ишлайдиган транспорт тўғрисида ҳисобот, 1-тр (узлуксиз) шакли 2 йилда 1 марта

22. Ҳаракатдаги обьектлар билан қуруқликдаги радио алоқаси техник воситалари тўғрисида ҳисобот, 54-алоқа (радио) шакли йиллик

23. Умумий фойдаланилмайдиган телефон алоқасининг техник воситалари ҳақида ҳисобот, 1-алоқа шакли йиллик

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **96 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида накд хорижий валюта муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 27 июндаги ПФ-3099-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлариға 1-иловага ва 1а-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсун.

2. Белгилансинки, авиакомпаниялар ва уларнинг агентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентлариға жўнаш пункти ва бориш пункти Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ташқарида жойлашган авиацияда ташиш участкаларига авиа-чипталар факат хорижий валютага сотилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив хужжатларни белгиланган тартибда мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 28 июнь,  
235-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 28 июндаги 235-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзДЭУавто» АЖ маҳсулотини экспорт қилишни рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 17 июндаги 302-сон қарорининг 3-банди чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро савдо-кўргазма комплексининг Бизнес-маркази биносидан фойдаланиш масалалари тўғрисида» 2000 йил 20 апрелдаги 156-сон қарорининг 5-банди чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 30-модда) 13-банди иккинчи хат боши чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Афғонистон худудига тижорат юкларини ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил

---

\* 1а-илова берилмайди.

31 январдаги 41-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 6-модда) 5-моддаси чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **97 «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини бажариш юзасидан ҳамда лицензиялар бериш механизмини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарори билан Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, фаолиятнинг мазкур рўйхатга киритилмаган бошқа турлари лицензияланмайди.

2. Белгилансинки, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 5-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига мувофиқ 1-иловадаги давлат тузилмаларига лицензиялар бериш хукуки берилади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи вазирликлар ва идоралар Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги амалдаги низомларни икки ой мuddатда танқидий таҳлил қилиб чиқсинглар ҳамда янгилangan низомларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Низомларни ишлаб чиқишида «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига қатъий риоя қилиниши таъминлансан, бунда аризаларни қабул қилиш ва лицензиялар бериш тартиботларини имкони борича соддалаштириш назарда тутилсан.

4. Белгилансинки, Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги янгилangan тегишли низомлар қабул қилингунга қадар янги лицензиялар бериш, илгари берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, уларни қайта расмийлаштириш лицензияловчи органлар томонидан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунiga ҳамда амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ, мазкур Қонунга зид бўлмагандан, амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан, айримларига ўзгартиришлар киритилсан.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 28 июнь,  
236-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 28 июнданги 236- сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар РЎЙХАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, ҳимояланиш воситаларини, ҳарбий техникини, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини (агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса), шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус материалларни ва маҳсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган холда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, саклаш ва реализация қилиш.

Жанговар заҳарловчи моддалардан ҳимояланиш воситаларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш.

Бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш.

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан муомалада бўлинадиган соҳалардаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойихалаштириш, барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун технологик асбоб-ускуналар, радиациядан ҳимояланиш воситаларини ясаш ва тайёрлаш.

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни саклаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш.

Шифрловчи техникани ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш ва ундан фойдаланиш.

Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойихалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

Ягона energetika тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш.

Кўприклар ва тонелларни лойихалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

Мудофаа обьектларини лойихалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

Хавфи юқори бўлган обьектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойихалаштириш, куриш ва улардан фойдаланиш.

Архитектура-шахарсозлик хужжатларини яратиш.

Курилиш лойихаларининг экспертизасини ўтказиш.

Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш.

Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш.

Аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти.

Авиация ишларини бажариш.

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шахарда, шахар атрофида, шаҳарлараро ва ҳалқаро йўналишлар бўйича ташиш.

Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш.

Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш.

Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш.

Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мой ва мойлаш материалларини) реализация қилиш, заводда идишларга қадоклангандар бундан мустасно. (Нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктларида сотишдан ташкари).

Этил спирти ҳамда бошқа алкогольни маҳсулотни ишлаб чиқариш.

Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш.

Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш.

Геодезия ва картография фаолияти.

Таркибида қимматбаҳо ва рангли металлар, қимматбаҳо тошлар бўлган иккиласми ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш.

Ноширлик фаолияти.

Нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти.

Диний таълим муассасаларининг фаолияти.

Бадиий ва хроникал-хужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультиликацион киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш.

Киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш.

Киновидеомаҳсулотлар прокати.

Туризм фаолияти.

### **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**

Ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек тифли қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, кўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.

Таркибида гиёхванд моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш.

### **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, реализация қилиш (бериш, тақсимлаш), ташиш, яратиш ва ишлаб чиқариш (тайёрлаш), ўқ қилиш, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ҳамда прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида, ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун, шу жумладан тиббиёт ва ветеринарияда фойдаланиш.

Тиббий фаолият.

Фармацевтика фаолияти.

### **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти.  
Аудиторлик фаолияти.  
Лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш.

### **Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси**

Баҳолаш фаолияти.  
Биржа фаолияти.

### **Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси**

Божхона омбори таъсис этиш.  
Божсиз савдо дўёнини таъсис этиш.  
«Эркин омборхона» божхона режимида омборхона таъсис этиш.

### **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки**

Банк фаолияти.  
Банклар томонидан, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл ва-лютасида операциялар ўтказиш.  
Қимматбаҳо қофозлар бланкаларини ишлаб чиқариш.  
Гаровхоналар фаолияти.  
Кредит уюшмалари фаолияти.

### **Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

Телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.  
Телекоммуникацияларнинг шаҳарлараро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.  
Телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.  
Кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.  
Шахсий радиочақириув тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.  
Маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.  
Телекўрсатувлар ва радиоэшиштиришларни тарқатиш (узатиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

### **Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги**

Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги  
Кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат  
қилиш маркази**

Кимматбаҳо қоғозлар бозорида касбий фаолият билан шуфулланиш (кимматбаҳо қоғозлар бозоридаги инвестиция институтларининг фаолияти).

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Дав-  
лат ветеринария бош бошқармаси**

Ветеринария фаолияти.

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент  
шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари**

Адвокатлик фаолияти.

Нотариат фаолияти.

**«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси**

Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш.

Тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-  
кент шаҳар ҳокимликлари**

Грампластиналар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиб олиш, кўпайтириш ва реализация қилиш.

Нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**I. Ҳукуматнинг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турлари билан шуфулланиш учун маҳсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш тартиби-ни такомиллаштириш тўғрисида» 1994 йил 19 апрелдаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1994 й., 4-сон, 23-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 6 августдаги 404-сон қарорининг 9-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

1996 йил 12 июлдаги 247-сон қарори 16-бандининг учинчи хат боши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 7-сон, 20-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ва баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 1997 йил 7 февралдаги 68-сон қарори 1-бандининг «а» кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 2-сон, 4-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналар (ташкилотлар)га фаолиятнинг айrim турлари билан шуфулланиш хукукини берадиган маҳсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш тартиби тўғрисидаги Низомга қўшимчалар киритиш хақида» 1997 йил 21 февралдаги 99-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 2-сон, 7-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ноширлик фаолияти билан шуфулланиш масалаларини тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 11 августдаги 393-сон қарорининг 2-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришга давлат монополиясини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонини бажаришга оид чора-тадбирлар хақида» 1997 йил 14 августдаги 398-сон қарорининг 6-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 8-сон, 28-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 482-сон қарори 1-бандининг «г» кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 34-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шахрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 7 сентябрдаги 382-сон қарори 1-бандининг учинчи хат боши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 9-сон, 33-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль ёнилғиси куйиш шохобчаларининг ишини такомиллаштириш ва республика истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сон қарори 10-бандининг иккинчи хат боши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 9-сон, 35-модда).

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкогольни маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини мустахкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 5 январдаги 2-сон қарорига 5-илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 2-модда).

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналар (ташкилотлар)га фаолиятнинг айrim турлари билан шуфулланиш хукукини берадиган маҳсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш киритиш хақида» 2001 йил 24 январдаги 52-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 1-сон, 5-модда).

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлик фаолияти лицензиялаш тўғрисида» 2001 йил 29 январдаги 56-сон қарорининг 6-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 1-сон, 7-модда) ва ушбу қарорга 2-илова.

## **II. Хукуматнинг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

1992 йил 28 августдаги 401-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвирини тайёрлаш ва уни кўплаб ишлаб чиқариш тартибининг 1-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 8-сон, 26-модда):

биринчи хат бошидаги «тегишли рухсат (лицензия) берилган корхоналар томонидан амалга оширилади» сўзлари «ушбу тасвиринг бадий қийматини таъминлаш ва унинг тасдиқланган эталонга тўлиқ мувофиқ бўлиши шарти билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хат боши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 10 октябрдаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари Давлат инспекцияси тўғрисидағи Низом 7-бандининг ўнинчи хат боши чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ахолисига майший хизмат қўрсатиш қоидаларида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 40-модда):

I бўлимнинг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

II бўлимнинг 9-бандидаги «рухсат этувчи гувоҳномалар олинган» сўзлари чиқарип ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 4 ноябрдаги 453-ф-сон фармойишида:

1-банд куйидаги таҳирда баён қилинсин:

«Белгилаб қўйилсинки, хорижий ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар (нон пишириш бўйича якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуфулланувчи шахслардан ташқари) кейинчалик сотиш учун нон ва нон-булка маҳсулотларини факат ўзлари республика ташқарисидан харид қилишадиган ун ёки фалладан пиширишлари мумкин.

2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

